

# Оддий ибодатнинг

кучи

Қандай қилиб Худо билан ҳамма  
нарса ҳақида гаплашиш мумкин

Мўъжизалар яратадиган ибодат



# ЖОЙС МАЙЕР

#1 Нью-Йорк Таймс журнали хуносасига кўра бозори чақон китоблар муваллифи

# АЗИЗ ДҮСТИМ!

Сизга Жойс Майернинг  
«Мўъжизалар яратадиган ибодат» китобини  
юбораётганимиздан мамнунмиз.

Одамнинг овоз чиқарib ёки ичида ибодат қилиши – Қудратли Худованд билан мулоқот ва худди яқин дўстимиздек, У билан кўнгилдан сухбатлашишдир. Худованд биз билан ҳамкорлик қилишни истайди ва бизнинг ибодатларимиз, Унга бу имкониятни яратиб беради. Имон билан тўлган, самимий ибодат, мўъжизавий кучга эга, зеро Худованд бундай ибодатни жавобсиз қолдирмайди.

Ушбу китобдан, қандай ибодат қилишни, Худога нималар дейишни ва ўз ибодатларингизнинг маҳсулдорлигини қандай оширишни билиб оласиз. Буларнинг бари қийин эмас. Бу сиз ўйлагандан-да анча осон, чунки Худованд ҳеч қачон, ҳеч нарсани мураккаблаштирмайди.

**Диққат!** Илтимос, муаллифлик қонунига риоя қилинг. Ушбу китобнинг барча ҳуқуқлари халқаро муаллифлик қонунига биркитилган. Китобнинг ва/ёки муқованинг мазмунидан муаллифнинг ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман фойдаланиш тақиқланади.

**Сизга маҳсулдор ўқишини тилаймиз!**

**Мұғжизалар яратадиган ибодат**  
*Оддий ибодаттинг күчи*  
Тұлиқ ҳажмдаги китобдан  
© 2016, Жойс Майер

The Power of Simple Prayer  
How to Talk with God about Everything  
(Chapters 4, 9-11)

**The Power of Simple Prayer**  
**How to Talk with God about Everything**  
*Prayer That Does Miracles*  
Joyce Meyer  
ISBN 978-0-446-58058-8

FaithWords  
Hache e Book Group  
237 Park Avenue  
New York, NY 10017

Ушбу китобнинг барча хуқуқлари халқаро муаллифлик қонунига биркитилган. Китобнинг ва муқованинг мазмунидан муаллифнинг ёзма рухсатисиз тұлиқ ёки қисман фойдаланиш таъқиқланади.

Оддий  
ибодатнинг

кучи

Мўъжизалар яратадиган ибодат

ЖОЙС МАЙЕР



# **МУНДАРИЖА**

<b>Сўз боши .....</b>	<b>7</b>
<b>Биринчи боб</b>	
Ибодатнинг кучи .....	9
<b>Иккинчи боб</b>	
Сўз ва Рух .....	26
<b>Учинчи боб</b>	
Самарали ибодатнинг калити .....	52
<b>Тўртинчи боб</b>	
Муҳим таркибий қисм.....	85



## СҮЗ БОШИ

Ибодатнинг кучини қўпчилик, нотабиий қудрат билан, ўта даражада тез содир бўладиган, мўъжизавий равища рўй берадиган нарса, деб биладилар. Бироқ унинг кучини, тез ва кўринарли тарзда намоён бўлишидан келиб чиққан ҳолда, баҳоламаслик лозим. Ёқуб Хушхабари 5:16 да, «ғайратли (юрақдан чиққан, тўхтосиз) ибодат» улкан қудратни келтириб чиқаради ва ақл бовар қилмас натижаларга олиб келади, деб ёзилган.

Худованд ҳар сафар, имконсиз бўлиб кўринган нарсани ибодат орқали амалга оширганда, ибодатнинг кучи ўз тасдифини топади. «Жойс Майер Хизмати»га қўнғироқ қиласидиган, хатлар юборадиган, анжуманларимизга ташриф буюрадиган ва телекўрсатувларимизни кўрадиган одамлар, биз билан сиздан ҳеч ҳам фарқ қилмайдилар. Бу ўша ҳаётий муаммоларни, ростдан ҳам бошидан кечирган одамлар ва бундай муаммолар ҳар биримизда юз бериши мумкин. Шундай бўлса-да, ибодатнинг кучи имконсиз кўринган тўсиқларни енгиб ўтди.

Бу куч сизнинг ҳаётингизни ҳам ўзгартириши мумкин, чунки ибодат ҳаётингиздаги Худо учун содир бўлаётган воқеаларга таъсир ўтказишга, уларни яхши томонга ўзгартиришга ва мўъжизалар яратишга имкон беради.

*Жойс Майер*

## БИРИНЧИ БОБ

### **Ибодатнинг кучи**

Ибодат бутун борлиқда тенгсиз ва қудратли куч манбаидир. Инсониятнинг қўли етадиган ҳар қандай қувват ҳеч бир қадрга эга эмас. Атом қуввати бутун шаҳарни қириб ташлай олади, бироқ у инсонга абадий ҳаёт беришга ёки ярадор юракни шифолашга қодир эмас. Табиий ёқилғилар бизни узоқ масофаларга элтиб қўйиши мумкин, аммо бизни Худога яқинлаштира олмайди. Табиатда ҳаракатланадиган ҳар қандай куч, жисмоний куч ҳисобланади, ибодат эса – руҳий кучдир. Худованд ибодат орқали ҳаётимизни ўзгартиради, донолик ва таълим беради, юпатади ва мўъжизалар яратади. Ибодат бизни Худонинг кучи билан бирлаштиришга қодир, шундай экан, у бошқа ҳар қандай кучдан устундир.

Фақат Худонинг кучи инсон юрагини ўзгартиришга, жонига шифо беришга, кишанлардан озод этишга, азоблар, умидсизлик, тушкунлик ва ҳалокатга олиб борадиган хирслардан қутқаришга, тинчлик ва хурсандчилик олиб келишга қодир. Фақатгина ибодатнинг кучи ажralиш пайдаги турмуш ўртоқларни яратшира олади.

Борлиқда ҳаракатланаётган ҳар қандай кучдан юқори бўлган, Худонинг ҳайратланарли улкан қудрати, ҳаётимизда оддий ибодатнинг шарофати билан намоён бўлиши мумкин. Унинг шарофати билан табиий дунёда яшаб, нотабиий ҳаёт кечиришимиз, имконсиз муаммоларнинг уддасидан чиқишимиз, ҳеч ким кутмаган нарсаларга бас кела олишимиз, ҳаёт олдимизга қўйган мушкул вазифаларни еча олишимиз ва тўсиқларни енгигб ўтишимиз мумкин.

Мен ўз ҳаётимда, оила аъзоларимнинг ва бошқа кўплаб одамларнинг ҳаётида, такрор ва такрор ибодат кучининг шоҳиди бўлганман. Ибодат кучининг тасдиғи сифатида, яқин орада содир бўлган мисоллардан айримларини келтириб ўтишни истайман:

- *Сьюзи аёллар анжуманига боришидан бир неча кун олдин, шифокорнинг ҳузурида бўлган. Унга «ўтида тош бор» деган ташҳис қўйишишибди. Мен анжуман пайти ибодат қилдим ва Худодан, Ўз шифолаш кучи билан одамларни тўлдиришини сўрадим. Сьюзи уйга қайтгач, қайтадан кўрикдан ўтди ва унинг ўтидан тошлиарни топа олмадилар.*
- *Ибодат жамоамизнинг бир аъзоси, пулга ўта даражада муҳтож бўлган аёл учун*

*ибодат қилди. Тез орада, ўша аёл, олдин бепул ишилаган жойдан маош олишини бошлигани ҳақида айтди.*

- *Анжуманларимизнинг биринча, хизматкорлар, йигирма йилдан бери чекадиган аёл учун ибодат қилишиди ва натижада, у чекишидан озод бўлди.*
- *Дэниз тўрт шил давомида ногиронлар нафақасига яшар эди. У тик тура олмас, чидаб бўлмас оғриқдан азоб чекар эди. У бир куни телевизор орқали, менинг шифо ҳақидаги воизлигимни эшишиб бўлгач, ухлашга ётган. Эрталаб уйгонгач, ҳеч қандай оғриқни сезмаган ва бемалол қаддини ростлай олган.*
- *Мэри фавқулотда ибодат тармогимизга қўнгироқ қилиб, эри иккаласи тул соҳасида ноҷор аҳволда қолганини айтган. Ибодат жамоамиз ибодат қилгандан сўнг, бир соат ўтар-ўтмас, унга ипотека ширкатидан қўнгироқ қилиб, у учун 1200 долларга чек ёзиб беришлари мумкинлигини маълум қилишган.*
- *Виктория, набираси авто ҳалокатига учрагани ва унинг яшаб кетишига умид йўқлигини эшишгач, ибодат тармогимизга қўнгироқ қилди. У шифохонада, боладан сунъий нафас олиши тизимини ўчиришига ҳо-*

*зирланаётган шифокорларни күзатиб тұрар ва телефон орқали биз билан ибодат қылар әди. Шундан сўнг, бир неча кун ўтиб, яна қўнгироқ қилди ва навираси ўзига келгани ва тез орада бутунлай согайиб кетганини хабар берди.*

- *Қамоқхонада ўтирган бир аёл, унинг Күшинга (эндокрин безларининг бузилишидан келиб чиқадиган касаллик) касаллиги билан қийналаётган ва олти йилдан бери шу касаликдан даволанаётган ўсмир ўғли учун ибодат қилишимизни сўраб, хат ёзди. Жамоамиз у учун ибодат қилди ва тез орада, ундан ўғли бутунлай согайиб кетгани ҳақида хат олдик.*

Яна бир ҳайратланарли гувоҳлик билан бўлишмоқчиман. Бу гувоҳлик имонингизни мустаҳкамлашига умид қиласман. Мана, бизга бир аёл нималарни ёзиб юборди:

«Онамдан рак касаллигини топищи ва шифокорлар ҳар қандай вазиятга тайёр бўлишимиз кераклигини айтди. Мен у учун ибодат қилишларингни сўраб, сизларга хат ёздим. Шунингдек, ҳамма дўстларим ва ҳамкасларимдан ибодат қилишларини илтимос қилдим. Турмуш ўртоғим ва синглим ҳам ўз дўстларидан,

бизни кўллаб-қувватлашларини сўраганлар. Операция куни ҳамширадан онамни жарроҳлик хонасига олиб киришидан олдин, у учун ибодат қилишга ижозат олдим. Менинг ибодатимдан сўнг, уни олиб кетишиди. Икки соатдан кейин шифокор чиқиб, бутун умр ёдимда қоладиган сўзларни айтди: «Мен онангизда ҳеч қандай ракнинг белгиларини топа олмадим. Рак хужайралари яшириниб олиши мумкин бўлган ҳамма жойларни текшириб чиқдим. Патологдан музлатиб қўйилган тери қисмларини ўрганиб чиқишини илтимос қилдим. Биз ҳатто рентген кўрсатган ўсмани ҳам топа олмадик».

Ибодатнинг кучининг келажаги

Кўп йиллар илгари, Дэйв билан эндиғина турмуш қурган пайтимиз, у менинг болалигимдаги ва ўсмирлигимдаги қўрган шавқатсиз муносабатларнинг оқибатида юзага келган ички муаммоларимни тушуна олмас эди. Мен билан муносабат қуриш осон эмас эди, Дэйв жуда кўп ибодат қиласар ва Худодан мени ўзгартиришини ҳамда оиласизни сақлаб қолишини сўпар эди. Вақтлар ўтиб, Дэйв ўша пайтлар,

бу вазиятда нима қилишни билмай қолганини тан олди, лекин ибодатларидан сүнг, менда аста-секин ўзгаришлар рўй берганини кўришини бошлади. Вақт ўтган сари, Дэйв ибодат бизнинг муносабатларимизга қанчалик кучли таъсир ўтказганини англаб етди. Худованд кундан-кунга менинг қалбимдаги яраларни шифолар ва мен ўзгариб борар эдим. У мени шахс сифатида тўлиқ янгилади.

Дэйвнинг кўнгли совутан ва таслим бўлишни истаган пайтлар ҳам бўлганига, шубҳам йўқ. Тўхтовсиз ибодат қилиш осон эмаслигини биламан. Узоқ вақт давомида ўзгаришларни қўрмаган бўлишига қарамай, у мен учун ибодатни давом эттирган. У файратли ва қатъиятли ибодатнинг кучини билган. Унинг ибодатлари, чиндан ҳам менинг ҳаётимни ўзгартирди. Дэйв бунчалик сабот ва қатъият билан, мен учун ҳамда бизнинг вазиятимиз учун ибодат қилмаганида эди, менда ҳозирги хизматимнинг бўлиши ҳам, даргумон эди.

Ортга чекинманг. Сизни безовта қилаётган нарса ойлар ёки йилларни талаб этса ҳам, сўрашда давом этинг. Натижани ҳозирнинг ўзида қўрмаётган бўлсангиз-да, Худованд ҳаётингизни яхши томонга ўзгартириши учун, аллақачон ҳамма нарса қилишни бошлаганига

шубҳаланманг. Ибодат Худога эшикларни очади ва У ҳаётиңгиздаги энг аянчли вазиятларни ҳам ўзгартиришга имконият беради.

Оиламизда яна бир воқеа бўлиб ўтган: катта ўғлим Дэвид учун узоқ вақт ибодат қилганиман, бироқ натижасини жуда кўп вақтдан сўнг кўрдим. Дэвид кўп йиллар давомида оғир бола бўлиб ўсди. Ўртамизда ҳар доим тўқнашувлар бўлар, у менинг ҳар битта ҳаракатимга атайин қаршилик кўрсатаётганга ўхшар эди. Дэвид жаҳлдор, инжиқ ва қатъиятсиз бола эди. У доимо Дэйв билан мендан, унга бўлган севгимизнинг исботини талаб қиласр эди.

Дэвид катта бўлди, лекин барибир унинг кўнглига йўл топиш, олдингидек қийин эди. Унинг юраги меҳрибон, бироқ табиати қайсар эди. У бизлар билан бирга ишлар, бу эса вазиятни янада қийинлаштирас эди, ахир биз қарийб ҳар доим бирга ёнма-ён вақт ўтказар эдик. Мен Худодан узоқ вақт давомида, унинг табиатидаги айрим сифатларни ўзгартиришини сўрадим. Батъзида ўзгаришларни сезар эдим, бироқ кейин, у яна олдинги ҳолатига қайтар эди. Дэйв иккимиз у ҳақидаги фикрларимизнинг ҳаммасини, унга вақти-вақти билан айтиб турап эдик. Шундан кейин, у тузалиб қолар, лекин бу узоққа чўзилмас эди.

Ёдимда бор, бир марта ундан жуда хафа бўлдим ва биз бошқа бирга ишлашимизнинг маъноси йўқ, деб ўйладим. Муносабатларимизни фақат она ва ўғил сифатида мулоқотда бўлиб, йўлга қўя оламиз, ишни эса бунга аралаштириш маслик керак, деб қарор қилдим. У учун ибодат қилишдан чарчадим ва ҳаётимни енгиллаштириш мақсадида, уни ишдан озод қилишга қарор қилдим. У қачондир ўзгаришига, умуман умидимни йўқотдим ва содир бўлаётган ҳодисаларга бошқа чидашни истамас эдим. Ибодат ўта мушкул кўринган вазиятларда, янада кўпроқ кучга эга эканини унутиб қўйдим. Ишга бораётуб, уни ишдан бўшатишга қатъий қарор қилдим, шунда бирдан ичимда Худонинг овозини, аниқ тарзда эшитдим: «Жойс, Дэвидга бўлган имонингни йўқотма». Мен ибодат қилиш ва кутиш кераклигини тушундим.

Натижада, Дэвид ўзгарди. Бир лаҳзада эмас, ҳаммамизга ўхшаб, вақт ўтган сайин аста-секинлик билан бошқача бўлиб борди. Ҳозирда бизнинг муносабатимиз аъло даражада, у олдингидек биз билан хизматда меҳнат қиласяпти. Дэвид ҳозирда, хизматимиз қошидаги халқаро миссиянинг бошлиғи ва ўз ишининг устаси. Биз биргаликда ҳар хил шаҳарларга ва давлат-

ларга борамиз, баъзида икки-уч ҳафтагача бирга вақт ўтказамиз ва ҳеч қандай тушунмовчиликка бормаймиз.

Худованд ҳамма нарсага қодир. Бироқ У ҳаракат қилиши учун бизнинг ибодатларимиз керак. Айрим ибодатларга жавоб тезда келади, бошқаларига – бир оз вақт керак бўлади. Муаммонгиз қандай бўлишидан ва шу муаммо ҳақида қанча вақт сўраёттанингиздан қатъий назар, ноумидликка борманг ҳамда енгилманг. Ўша вақт ортга чекинмаганимдан, ҳозир жуда хурсандман. Сиз ҳам, кўз ёшлар билан эккан уруғларингизни қувонч билан ўриб оладиган вақтларгача етиб борасиз. Худовандга ишонишда тўхтаманг, ҳаётингизда ижобий томонга силжиш бўлишига ишонинг, ибодатнинг кучи ҳақида унутманг – шунда, албатта, ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз.

## *Худованд фарзандларининг ибодатлари*

Бошқаларнинг ҳаётида ибодатнинг кучи қандай ҳаракатланаётгани ҳақида эшийттанингизда, сизнинг имонингиз мустаҳкамланади. Худованд ҳаммага бир хил муносабатда. У бошқаларнинг ибодатларига қандай жавоб бер-

ган бўлса, сизникига ҳам шундай жавоб беради ва буни истайди. Ибодатнинг кучи – бу янги ваҳий эмас. Муқаддас Китобнинг сахифаларида, бу ҳақда кўплаб воқеаларни ўқиймиз. Йермияҳ пайғамбар, Худога ушбу сўзларни, тўғри айтган: «...Сен учун имконсиз нарсанинг ўзи йўқ» (Йермияҳ 32:17). Эски ва Янги аҳдларда, одамларнинг Худога ибодат қилгани ва У уларга ҳайратомуз равишда жавоб бергани тўғрисида ўқиймиз. Келинг, бир нечта мисолларга кўз югуртирамиз.

## Ҳанна

Аёл киши учун бепуштлиқдек иложсиз вазиятни топиш қийин. Бугунги кундаги тиббиёт технологиялари, кўп ҳолларда ушбу муаммони бартараф этишга қодир, аммо Эски Аҳд даврида бундай имконият йўқ эди. Бепушт аёлнинг заррача ҳам умиди бўлмаган. Ҳанна кўп йиллар давомида фарзанд ҳақида орзу қилди. Бир гал, у Худовандга ибодат қилди ва Ундан имконсиз бўлган нарсани сўради. Натижаси нима бўлди? Шароитларга зид равишда, келгусида Исроилнинг буюк пайғамбари ва руҳонийси бўлмиш, Шомуил дунёга келди.

## Элишай

Фақат Худонинг кучи, ўлган одамни ҳаётга қайтара олиши мумкин. Тўртинчи Шоҳликлар китобида сонамлик бир аёл ҳақида ҳикоя қилинган. У Элишай пайғамбарга қўп яхшиликлар кўрсатди. Элишай, бу аёл билан эридан ўғил туғилиши ҳақида башорат қилди ва башорати амалга ошди. Бироқ бир неча йилдан сўнг, бола ўлиб қолди ва аёл Элишайни чақириди. Пайғамбар етиб келганида, бола ўлик ётганини билар эди, шундай бўлсада, унинг хонасига кириб, эшикни ёпти ва у учун «Раббийга ибодат» қилди (4 Шоҳликлар 4:33). Шундан сўнг, боланинг танаси илиди, кейин етти марта аксириди ва кўзларини очди.

## Эзекия

Эски Аҳадаги шоҳ Эзекия оғир бетоб бўлиб, ўлим ёқасида ётар эди. Шунда Ишаъё пайғамбар унинг олдига келиб, Худодан хабар айтди: «Раббий шундай деяпти: уйингдагиларга васиятнома ёз, зеро сен соғаймайсан, ўласан» (4 Шоҳликлар 20:1). Аммо Эзекия ўлишни истамас эди, у фарёд чекиб, ибодат қилди: «Раббим, Сендан сўрайман! Қаршингда содиқликда ва

ҳақиқатда юрганимни, юрагимда Сенга содик бўлганимни ва кўз олдингда маъқул ишларни қилганимни эслагин» (3-оят). Ишаъё ҳали шаҳардан чиқиб ултурмай, Худодан, орқага қайтиши ва Эзекияга ушбу сўзларни айтиши ҳақида кўрсатма олди: «...Раббий шундай демоқда... Сенинг ибодатингни эшитдим, кўз ёшларингни кўрдим. Мана, Мен сени шифолайман» (5-оят). Худованд, уни нафақат шифолади, балки унга яна ўн беш йил умр ҳам қўшиб берди (6-оят).

## *Закариё*

Янги Аҳдда, фарзанди бўлмаган бир оила тўғрисида воқеа бор. Улар жисмонан фарзанд кўришга қобилиятсиз эдилар. Шундай бўлса-да, келинг, ибодат кучга эга эканини ёдимиздан чиқармаймиз. Кекса Закариё хотини Элисабетдан фарзандли бўлишни орзу қилар эди. Бир қуни унга фаришта намоён бўлди ва деди: «...Закариё, кўрқма, чунки Худо сенинг ибодатингни эшитди. Хотининг Элисабет сенга ўғил туғиб беради ва унинг исмини Яхё қўясан» (Луқо 1:13). Ота-онасининг ибодатлари туфайли, мўъжизавий равишда дунёга келган бу бола, келгусида Исо Масиҳнинг келишини эълон қилган Яхё Чўмдирувчи бўлиб етишиди.

## *Пётр*

Пётр ўн олтита қўриқчининг кузатуви остида, занжирбанд қилинган ҳолда, қамоқда ўтирган жойидан, ибодат туфайли мўъжизавий тарзда озод бўлиб, чиқиб кетди (Ҳаворийлар 12:4,6). Уни қамаб қўйғанларидан сўнг, имонлилар у учун тўхтовсиз ибодат қилдилар. Худованд уларнинг ибодатларини эшитди ва Пётрни қамоқдан чиқариш учун фариштани юборди. Унинг тана-сидаги занжирлар узилиб тушди. Шундан сўнг, фаришта унга кийинишини ва унинг орқасидан юришини айтди. Бўлаётган воқеалар, шунчалик гаройиб тарзда содир бўлар эдики, Пётр буни вахий қўраяпман, деб ўйлади. У фариштанинг ортидан борди ва шаҳарга элтадиган, қўриқчи-лар қўриқлаб турган темирли эшикларнинг ол-дидан индамай ўтиб кетди. Эшиклар ўзидан-ўзи очилди, Пётр қўчага чиқди ва ўша пайти фа-ришта ғойиб бўлди.

Иоппияда ҳам, ҳамма яхши қўрадиган Табита исмли бир қиз вафот этди. Одамлар Пётр яқин шаҳарда эканини эшитдилар ва уни чақи-риб келдилар. У келди ва Табитанинг ўлимидан ўта даражада қайғуга тушган кўплаб дўстлари, болохонада йиғлаб ўтирганини кўрди. Ҳаворий-

лар китоби 9:40 да ёзилган: «Пётр ҳаммаларини ташқарига чиқарди-да, тиз чўкиб ибодат қилди ва жасадга бурулиб: «Табита, ўрнингдан тур!» – деди. Аёл эса кўзларини очди ва Пётрни кўриб, ростланиб ўтирди». Ахир, бу ибодатнинг ақл бовар қилмас кучининг исботи эмасми?

## *Исо Масих ибодатларининг кучи*

Ушбу бобни тугата туриб, Худованд менга бир куни очиб берган ва менда ибодатнинг кучига нисбатан имонимни ўта даражада мустаҳкамланган ҳақиқат билан бўлишмоқчиман. Бу ҳақиқат Исо Масих ибодатининг кучи тўғрисидадир.

Менда ибодат қилишдан чарчаган пайтларим бўлган. Мени, ибодатларимга нимадир етишмаётгани ҳақидаги фикрлар тарк этмас эди. Бир куни Худога савол бердим: «Мен билан нима бўляяпти? Мен ҳар куни ибодат қиласман, ибодатга кўп вақт ажратаман. Нима учун ибодатдан сўнг, қониқиши сезмайман? Менга доимо ибодатларим беҳуда, деган фикр келади. Балки, мен бошқача ёки кўпроқ ибодат қилишим керакдир?» Худованд менга жавоб берди: «Сен ўзингни ўзинг, ибодатларинг беҳудалигига ва нотўғрилигига ишонтирдинг. Сен ҳамма нарсани нотўғри қиласяпман, деб ўйлаяпсан».

Чиндан ҳам – менга нимадир етишмаёт-ганига амин эдим. Мени доимо, қуиидаги хавотирлар қийнар эди: «Балки имоним камлик қилаётгандир, ибодат учун етарлича вақт ажратмаётгандирман ёки нотүгри нарсани сўраётгандирман?»

Худованд мени қўрқувдан озод этди ва шу нарсага ишонтириди: «Жойс, биласанми? Сен ҳақсан. Сенинг ибодатларинг чиндан ҳам муқаммал эмас. Ўзинг ҳам муқаммал эмассан. Айнан шунинг учун, сенга Исо Масих, Шафоатчи сифатида зарур». Кейин У деди: «Ибодатларинг Менга етиб келгунича, улар бекам-кўст бўлиб шаклланади, чунки Исо Масих ҳар битта ибодатни тутиб олади (Унинг Шафоатчилик роли, айнан мана шу нарсада мужассамлашган), айтилган фикрларни тўғри ифодалайди ва ҳамма нарсани керакли қўринишга келтиради. Кейин бу ибодат Менга етиб келганида, Мен муқаммал одамнинг муқаммал ибодатини эшитаман».

Буни тушунган заҳотим, ибодат қилишим анча осонлашди. Ибодатларим кучга эга бўлиши учун, мен муқаммал тарзда сўрашим керак, деган фикрлардан халос бўлдим. Энди мен билганимча ибодат қиласман ва Исо Масихга ишонаман. У эса Шафоатчи сифатида, уларни Отага

аъло даражада қилиб, етказиб беради. Биз Исо Масиҳнинг шарофати билан, ибодатларимиз ҳаракатга эга эканига ишонишимиз лозим.

## *Қисқа хўлосалар*

Инсон учун ибодатнинг кучидан кўра каттароқ куч йўқ. Ердаги энг қудратли қувват манбаи ҳам – Худонинг қаршисида ҳеч нарса эмас. Биз ҳар куни ва ҳар хил вазиятларда Худонинг кучига муҳтожмиз. Ибодат бизни Унинг кучи билан бирлаштиради ва ҳаётимизда шу куч намоён бўлишига замин яратади.

Кўп одамлар, ибодатнинг тенги йўқ кучи ҳақида гувоҳлик беришлари мумкин. Бундай гувоҳликларни дикқат билан тингланг ва сизнинг имонингиз мустаҳкамланади. Худованд Ўзининг ақл бовар қилмас кучини сизнинг ҳаётингизда намоён этганида, бу гувоҳликни бошқалар билан бўлишишни унутманг, токи улар ҳам Худонинг қудрати ва ибодатнинг улкан кучи ҳақида билсиналар.

Исо Масиҳ тўхтовсиз биз учун шафоат қилади, шундай экан: Худованд юрагимиздан чиққан ибодатни эшитишига ва унга жавоб беришига амин бўлишимиз лозим. Ибодатда куч мужас-самлашган, агар ҳаётингизда Худонинг кучи бў-

лишини, бу куч вазиятлар устидан ҳокимиятни қўлга олишини, бошқалар билан муносабатла-рингизни мустаҳкамлашини, тўғри қарорлар қилишда кўмаклашишини ва муваффақият келтиришини истасангиз – ибодат қилинг!

### *Ибодатга оид маслаҳатлар*

- *Ибодат – Борликдаги энг қудратли куч.* Ибодат бошқа ҳар қандай кучдан устун, зеро унинг табиати моддий эмас, балки руҳийдир. Ибодат Худонинг кучини келтириб чиқаради.
- *Ибодатнинг кучи ҳақидаги бошқаларнинг гувоҳлигини ўқинг ва эшигинг, шунингдек атрофдагиларга шахсий гувоҳликларингиз билан бўлишинг.*
- *Ибодатда улкан куч мужассамлашган.* Унга жавоб, сиз ўйлагандек тезда келмаганда ҳам, унинг кучига шубҳаланманг.
- *Исо Масиҳ – бизнинг Шафоатчимиз.* У бизнинг мукаммал бўлмаган ибодатларимизни олади, керакли кўринишга келтиради ва Отага тақдим этади. Натижада, Худованд мукаммал одамларнинг мукаммал ибодатларини эшигади.

## ИККИНЧИ БОБ

### Сўз ва Рух

Биз қанчалик жон-жаҳд билан ибодат қилмайлик, Худонинг Сўзи ҳисобланган ибодатнинг таркибий қисмисиз, ишимиз битмайди. Ибодатда, Худога Унинг Сўзини келтирсак ва Ундан Каломда ёзилгани бўйича амалга оширишини сўрасак, ибодатларимиз янада самаралироқ бўлади. Шунингдек, Руҳдаги ибодатларнинг самарадорлиги ҳам, ўта даражада катта. Масихийликнинг ҳар хил тармоқларида, Руҳдаги ибодатни турлича таърифлайдилар. Аксарият масихийларнинг фикрича, бу миямизга келган нарсалар учун эмас, балки Муқаддас Руҳнинг бошқарувига эргашган ҳолда ибодат қилиш ҳисобланади. Ушбу бобда бу мавзута нисбатан ўзимнинг тушунчаларим билан бўлишаман.

Сўз ва Руҳсиз – ибодатларимиз маҳсулдор бўлмайди. Борди-ю, ҳар доим Руҳга дикқат қаратиб, Ундан мўъжизалар ва нотабиий ҳодисалар кутсак, лекин Сўзни четга суриб қўйсак, хатоликка йўл қўйган бўламиз. Агарда, ибодат вақти фақат Сўзга эътибор бериб, Руҳни унутсак, бу ибодатга расмий ёндошишга

олиб келади, уларни қуруқ ва сунъий қилиб қўяди – бу ҳам бошқа чегарадан чиқишига киради. Фақат Сўз ва Рухнинг ўзаро ҳаракатида, мустаҳкам пойдеворга эга бўла оламиз ва ҳаётимизда мувозанатни йўлга қўямиз, зеро шу тарзда, ҳақиқатда илдиз отиб, қувонч ва қуч билан тўламиз. Бизга Худонинг Каломи тебранмас пойдевор сифатида, қандай муҳим бўлса, Муқаддас Рухнинг бошқаруви ҳам, шундай муҳим аҳамиятга эга. Худонинг Сўзига мос бўлган ва Рухнинг бошқарувида амалга оширилган ибодатлар, Худонинг иродасига тўғри келади, шунинг учун улар кўринарли даражада ҳосиллар олиб келади.

## *Худонинг Сўзи ёрдамида ибодат қилинг*

Ишаъё китоби 62:6 да, Худонинг ваъдаларини Унга эслатиб туришимиз ҳақида айтилган. Бунинг энг яхши йўли – ибодатларимизда Унинг Сўзидан фойдаланишдир. Юқоридаги оятда ёзилган: «Эй, Иерусалим, Мен сенинг деворларингда куну-тун жим бўлмайдиган қоровулларни қўйдим. Эй, сизлар (Унинг қуллари), (ибодатларингиз орқали) Раббий (Унинг ваъдалари) ҳақида эслатадиганлар! Жим бўлманглар».

Худованд Ўз Сўзини ўта даражада қадрлайди ва биз ҳам, Сўзга шундай муносабатда бўлишимиз зарур. Сано 137:2 Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимасида, қуийдагича жаранглайди: «Муқаддас маъбадинг қаршисида сажда қиласман ва Сенинг эзгуликларинг, ҳақиқатинг ва содиқлигинг учун исмингни шарафлайман, чунки Сен Ўз Сўзингни ва исмингни қолган ҳамма нарсадан кўра, улуғладинг, Сўзингни Ўз исмингдан ҳам юқорига қўйдинг!» Агар Худованд, Сўзини шу даражада қадрласа, биз ҳам қадрлашимиш ва уни ўрганишга етарлича вақт ажратишимиш лозим. Биз уни севишимиз, юрагимизни у билан тўлдиришимиз, уни бошқа ҳамма нарсадан кўра устун қўйишимиз ва ибодатларимизда эътироф этишимиз керак.

Исо Масих деди: «Агар сизлар Менда жо бўлсангиз (Мен билан бирлашсангиз) ва Менинг сўзларим сизларда жо бўлса, нимаики истасангиз, сўранг ва оласизлар» (Юханно 15:7). Бизнинг Сўзда жо бўлишимиз ва Сўз ичимизда жо бўлиши, бизга ибодатда аминлик ва сўраган нарсамизни олишда ёрдам беради. Ибодатимизга Худонинг Сўзидан қўшганимизда, Худонинг иродасига қарши бўлган нарсани сўршивизга, ишониш қийин бўлиб қолади.

Исо Масиҳ – тирик Сўз (Юҳанно 1:1-4). Сўзда жо бўлиб, биз Унда жо бўламиз ва бу ибодатларимизни ноодатий куч билан тўлдиради.

## *Сўзга асосланган ибодатлар*

Худонинг Сўзи – бу буюк хазина. Унда донолик, насиҳат ва ҳақиқат мужассамланган – яъни, Унда ҳаётимизни тўлдирадиган, уни маҳсулдор ва муваффақиятли қиласидиган ҳамма нарса ўз аксини топган. Ибодатларимизга Каломдан парчаларни қўшишимиз ва ҳар қандай ҳаётий вазиятларда, уларни эътироф этишимиз лозим. «Эътироф» сўзи, бу ерда «бир нарсани яна қайтариб айтиш» маъносида ишлатилаяпти. Яъни, Сўзни эътироф этганимизда, Каломда ёзилганларни қайтариб айтамиз. Сиз чиндан ҳам Худованд билан чуқур муносабатларни қуришга уринаётган бўлсангиз, У билан ҳамжиҳатликда бўлишингиз керак. Бунда сизга, Унинг Сўзини эътироф этиш ёрдам беради. Доимий эътироф, Сўзни билиш савиямизни оширади, Худога бўлган имонимизни мустаҳкамлайди, ибодатда фикрларимизни аниқроқ ифодалашга ёрдам беради ва уларни янада самарали этади.

Сўзни эътироф этиш учун, биз уни билишимиз зарур. Худованд нима қилгани ва айтганини билганимиздагина, биз У билан келиша оламиз. Кўпинча, ўзида бор бўлган нарсани Худодан сўраган ёки ўzlари қандай бўлса, уларни яна шундай қилиб ўзгартиришини истаган одамларни кўрганман. Бундай одамларга айтишни истардим: «Бу ҳақда ибодат қилишни тўхтатинг! Худованд сўраётган нарсангизни, аллақачон амалга оширди». Ибодатга Худонинг Сўзини қўшмоқчи ёки Худога Унинг айтганинг ларини эслатмоқчи бўлсак, буни тўғри тарзда амалга ошириш зарур. Масалан:

- *Худонинг овозини эшишида ёрдам сўрашнинг ўрнига, биз Унинг овозини, аллақочон эшишини бошлиганимиз учун миннатдорлик билдиришимиз лозим (Юҳанно 10:27).*
- *Озодлик сўраб ибодат қилишининг ўрнига, У бизларни, аллақачон озод этгани учун миннатдорлик билдириши керак (Галатияларга 5:1).*
- *Худодан ҳаётимиз учун ажойиб режа тузишини сўрагандан кўра Унинг ҳаётимиздаги мақсадлари фақат эзгуликка экани учун миннатдор бўлиши, тўғрироқ бўлади (Иермияҳ 29:11).*

- Ундан бизни ҳақ киши қилишини сўрашнинг ўрнига, аллақачон ҳақ киши эканимизга хурсанд бўлишишимиз лозим (2 Коринфликларга 5:21).
- Ундан бизни баракалашини сўрагандан кўра У бизни ҳар қандай баракалар билан марҳаматлагани учун миннатдор бўлишишимиз керак (Эфесликларга 1:3).
- Ундан бизларни қабул қилгин, деб сўрашнинг ўрнига, У бизни Исо Масиҳда, аллақачон қабул қилгани учун миннатдорлик билдиришишимиз лозим (Эфесликларга 1:6).

## *Намунали ибодатлар*

Менимча, одамларнинг қандай ва нима учун ибодат қилаётганига қараб, уларнинг хулқи ва руҳий ёшини билиб олиш мумкин. Менинг ибодатларим руҳий етуклигидан гувоҳлик бермаган вақтлар ҳам бўлган. Самодан туғилиб, Муқаддас Рухга чўмиб, кўп вақтдан бери Худонинг Сўзини воизлик қилиб юрган бўлсам-да, ибодатларим моҳиятан, ўз манфаатими ни ўйлашимдан дарак бериб турар эди. Ўша пайлар, менинг фикримча, баҳтили бўлишишим учун Худованд нималарни амалга оширишга

мажбурилиги ҳақидаги рўйхат билан, ибодатни бошлар эдим. Сўраган нарсаларимнинг ҳаммаси кундалик муаммолардан иборат эди: «Раббий, хизматим ўсишида ёрдам бер. Бизга янги машина бер. Буни ёки уни амалга ошир. Дэйвни ўзгартириш ва болаларимни тарбиясига аралаш...» Худованд бир куни менга жавобан деди: «Мен Исо Масиҳ ва Павелнинг ибодатларини ўрганишингни истайман. Шундан сўнг, сенинг руҳий ҳаётинг тўғрисида гаплашамиз». Каломда, айниқса мактубларда кўплаб ибодатлар мавжуд, лекин Худованд эътиборимни, Хушхабарлардаги Исо Масиҳнинг ва Павелнинг ўзи ёзган мактубларидағи ибодатларга қаратди.

Исо Масиҳ ва Павелнинг ибодатларини ўргана туриб, Худонинг Сўзига асосланган ибодатлардан-да маҳсулдорроқ ибодат йўқлигини тушуниб етдим. Зеро Каломда, Худога чиндан ҳам муҳим бўлган нарсалар кўрсатилган. Келинг, Исо Масиҳнинг айрим ибодатларига қараймиз:

- «*Отам! Уларни кечиргин, чунки улар нима қилаётганларини билмайдилар*» (*Луқо 23:34*).
- «*Уларни ҳақиқатинг билан муқаддаслагин (покла, Ўзинг учун ажратиб ол, уларни муқаддас қил), Сенинг Сўзинг ҳақиқатдир*» (*Юҳанно 17:17*).

- «Мен улардаман, Сен эса Мендасан! Улар ҳам бирликда мүкаммал бўлсинлар, токи дунё Сен Мени юборганингни ҳамда Мени севганинг каби уларни ҳам севганингни билib олсин» (Юҳанно 17:23).
- «Мен сен учун, яъни имонинг гойиб бўлмаслиги учун ибодат қилдим...» (Луқо 22:32).
- «Ота, Мени эшитганинг учун Сендан миннатдорман» (Юҳанно 11:41).

Павелнинг Эфесликларга, Филиппиликларга ва Колосаликларга мактубларида ёзилган ибодатларига етиб келганимда, кўз ёшларимни тийиб тура олмадим. Менга Павелнинг ибодатлари кучли таъсир ўtkазди ва дунё қарашими-ни бутун умрга ўзгартириди. Павел ҳеч қачон, одамлар яхши яшashi ва муаммоларга дуч келмаслиги учун ибодат қилмаган. У Худодан, уларнинг тақдиридаги ҳамма нарсага чидашида, матонатли ва сабрли бўлишида ҳамда атрофдагиларга Худо иноятининг тирик намунаси-ни кўрсатишида ёрдам беришини сўраган. У ҳақиқатдан ҳам, Худо учун муҳим бўлган нарсаларни сўраган. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, Худованд бундай ибодатларга жавоб беришини тасдиқлашим мумкин.

«Раббимиз Исо Масиҳнинг Худоси, шуҳрат-нинг Отаси, Уни таниб-билишингиз учун сизларга донолигу ваҳий Рухини берсин» (Эфесликларга 1:17). Павелдан намуна олиб, биз ҳам Худодан донолик ва ваҳий Рухини сўрашимиз керак ва бу учун биринчи навбатда, ибодат қилишимиз зарур. Худованд бизга ваҳий, яъни руҳий сезгирилик ва укув беришини сўраш – энг муҳим ибодатлардан бири. «Ваҳий» сўзи «очиш», «қопламни олиб ташлаш»ни билдиради. Худодан бизга тегишли бўлган ҳамма нарсадан қопламларни олиб ташлашини ва Каломдаги ҳақиқатларни очишини сўрашимиз зарур, токи ўзимиз ва бошқалар учун қандай ибодат қилишни англаб етайлик. Каломдан сўзлаш ёки руҳий ҳақиқатларни тушунтириш – бу *ахборот* ҳисобланади. Худованд ушбу ахборотни англашга ёрдам берганида, у ваҳийга айланади. Бизни шайтон ҳам, инсон ҳам ваҳийдан маҳрум қила олмайди. У фақат бизга тегишли, чунки у Худодан берилади.

Раббийдан 17-оятда ёзилганидек, «Уни таниб-билиш учун» руҳий ҳақиқатларни тушунишда ёрдам беришини сўрашни утунмаслигимиз керак. Павел давом этиб, Худованд «фаҳмлашингизнинг кўзларини» (менимча, бу

ерда онгимиз назарда тутилаяпти) ёритиши-ни, «токи Унинг даъватининг умиди нимадан иборат эканини билиб ва англаб олинглар» (18-оят), деб сўраяпти. Мен кўпинча шундай сўзлар билан сўрайман: «Художон, мен туш-кунликка тушмаслигим учун умидим нимадалигини қўрсатгин». Кейин Павел давомида айтаяпти: «Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюклигини пай-қаб олинглар (билиб ва тушуниб олинглар)» (19-оят). Ёки оддий қилиб айтганда: «имонлиларга тегишли бўлган кучни билиб олишларинг учун ибодат қиласман». Ушбу китобни ўқир экансиз, мен ҳам, сизлар учун шундай ибодат қиласман. Худованд билан мулоқот орқали имконли бўлган тенгсиз ва чексиз кучдан фойдаланишингизни ўта даражада истайман.

Павел: «Худо Ўз шуҳратининг бойлиги бўйи-ча Ўзининг Рухи орқали сизларга ички ки-шинギзда (сизнинг ичингида яшаётган, бор-лиғингизни тўлдираётган) қудрат билан ку-чайишни ато этсин» (Эфесликларга 3:16), деб ибодат қилган. Биз бу ҳақда мунтазам равища сўраб туришимиз лозим: «Художон, менга куч бер, ички инсонимни мустаҳкамла ва менинг

борлиғимни тұлдир». Бундай ибодат, бизни ўзгартыришга қодир.

Менга Павелнинг яна бир ибодати ёқади: «Худонинг бор тұла-тұқислиги билан тұлишингиз (Унинг ҳузурига тұлық меъерда әга бўлишингиз ва Худованд томонидан ортиғи билан тұлдирилган идишга айланишингиз) учун» (Эфесликларга 3:19). Худованд бизда бошқа нарсаларга умуман жой қолдирмай, тұлдириши учун ибодат қилишимиз керак.

Шунингдек, Павел Худонинг севгиси ҳақида ибодат қилған: «Токи сизлар севгида илдиз отган ва ўрнатилған бўлиб... Масихнинг севгисини билиб олинглар (ўз тажрибангизда татиб кўринглар)» (Эфесликларга 3:18-19). У одамлар Худонинг севгиси ҳақида бирордан эшитишини ёки у ҳақда воизлик тинглашини эмас, балки ўzlари бошидан кечиришларини, ўта даражада истаган. У ёки бу кишининг ҳаёти ўзгаришини истасангиз, ўша киши Худонинг севгисини таниб-билиши учун ибодат қилинг. Павел одамлар Худони севишилари учун эмас, Унинг ажойиб севгисини таниб-билишилари ва ҳаётида ўша севги намоён бўлишини кўришлари учун ибодат қилған.

Павел Филиппиликларга мактубда севги мавзусини давом эттирған: «Сизларнинг сев-

гингиз... күпдан-күп ортиб бориши ва намоён бўлиши учун ибодат қилмоқдаман» (Филиппиликларга 1:9). Бу ерда у нима ҳақда айтётганини тушунаяпсизми? «Мен ўрталарингда севги бўлишини кўришни истайман. Бир-бирингизни қанчалик севишингизни намоён қилинг, одамларга кўрсатинг ва севгингиз янада кучлироқ бўлиб борсин». Давомида, Павел кимлар учун ибодат қилаётган бўлса, ўша одамлар қоқилмаслиги, ҳақиқатдан ҳам, нима муҳимлигини тушуниши, тебранмас бўлиши ва мушкул вақтларда ҳақлик ҳосилини келтириши ҳақида ибодат қилган (10-оят).

Колосаликларга мактуб 1:11 да Павелнинг яна бир ибодатини топамиз: «Унинг шуҳратининг қудрати бўйича бор қувват билан қучайинглар. Ҳамма нарсага сабр-тоқат (ўзини бошқара олиш ва матонат) ва қувонч билан чиданглар, деб ибодат қиласиз». Бошқача қилиб айтганда, қандай қийинчиликлардан ўтманг, хурсандчилликни сақлай билинг. Синовлар қанча чўзилмасин, улардан матонат билан ўтинг ва бошқаларга ёмонлик қилманг. Фалабакор бўлинг.

Павел доимо Худо учун муҳим бўлган нарсаларни сўраган. Мен сизни, Павелнинг ибодатларини диққат билан ўрганишга, уларни ёзиб

олишга ёки ёдлашга чорлайман. Унинг ибодатлари билан, ўзингиз ва бошқалар учун ибодат қилинг. Улар сизнинг руҳингизга кириб борсин ва сингиб кетсин. Павел юқоридағи ибодатларининг бирортасида, кундалик нарсалар ҳақида сўраганий йўқ. У «Сизлар аввало Худонинг Шоҳлиги ва унинг ҳақлигини изланглар, буларнинг ҳаммаси эса сизларга қўшиб берилади» (Матто 6:33), деган амр бўйича ҳаракатланган. Сано 36:4 да, «Раббийдан лаззатлангин ва У юрагингнинг истагини амалга оширади», деб ёзилган. Павелдан намуна олинг. Худованд учун нима муҳим эканини билиб олинг ва шу ҳақда ибодат қилинг. Шунда, У сизнинг эҳтиёжларингиз учун, албатта, ғамхўрлик қиласи.

Худодан ўзимиз учун бирор нарсанни сўрашнинг ёмон жойи йўқ. Биз сўрамаганимиз учун ололмаймиз. Худованд: «Сўранглар, берилади; изланглар, топасизлар; тақиллатинглар, сизларга очишади» (Матто 7:7), деб айтган. Худодан сўраётган нарсаларимизга эътиборли бўлиш, жуда муҳим. Мен сўраётган нарсаларимизнинг тўқсон фоизи кундалик ҳаётимизга тегишли ва фақат ўн фоизи – руҳий масалаларга оид бўлиши керак, деб ўйламайман. Нима устунлигини аниқлаш ва мувозанатни сақлаш

лозим, бўлмаса шайтон очиқ эшиқдан кириши ва ҳаётимизни бузиши мумкин (1 Пётр 5:8).

## *Қандай қилиб, Ёзув бўйича ибодат қилишимиз лозим*

Балки, сиз «Ёзув бўйича ибодат қилиш» жумласини ҳеч қачон эшитмагансиз ва буни қандай амалга оширишни билмассиз. Мен бу энг осон ибодатлардан бири, деб ўйлайман. Биздан талаб қилинадиган нарса – Каломдаги оятларни ўқиш ёки ёдлаб қолиш ва у ёки бу вазият учун қилинган ибодатга, шу вазиятга тегишли бўлган оятларни қўшиш, демакдир. Яхиси, Ёзувдаги парчалардан сўзларни олиб, айтиш керак: «Художон, Сенинг Сўзингда (бу ерда Каломдан парчаларни айтинг), деб ёзилган. Мен бунга ишонаман. Мисол учун, Йермијаҳ китоби 31:3 да ёзилган нарсаларни ўзингиз учун сўрамоқчи бўлсангиз, тахминан қуийида-гича айтасиз: «Худойим, Сенинг Сўзингда, Сен мени абадий севги билан севишинг ва эзгулигинг билан Ўзингта яқинлаштирганинг ҳақида ёзилган. Раббий, менга бўлган севгингни билишга ва англаб етишга ёрдам бергин».

Осон бўлмаган вақтларда ва бирор нарсага ўта даражада зориқсангиз, Худодан, ибодатда

фойдаланишингиз учун Ёзувдаги матнлардан кераклисини кўрсатишини сўранг. Худонинг Сўзига таянишни ўрганинг, шунда имонингиз ўсади ва ибодатга жавоб олиб, улкан хурсанд-чиликни ҳис этасиз.

## *Калом бўйича ҳар кунлик ибодатлар*

Худонинг Сўзи бизга ёрдам бериш, бизни йўналтириш ва кундалик ҳаётимизда руҳлантириш учун берилган. Каломда ҳар қандай вазиятда қилинадиган ибодатлар учун ишлатиладиган ояtlар бор. Айрим ояtlар аниқ кўрсатма беради, бошқалари – ўз масаламизга қўллай олишимиз учун, умумий руҳий қоида мазмунига эга. Қўйида, аксарият ҳолларда юзага келадиган вазиятларни ва ибодат учун мос бўлган, Каломдаги ояtlарни санаб ўтаман.

- *Агар бетоб бўлсангиз, ушбу ояtlардан фойдаланинг: «Мен Раббий (сенинг Худойинг), сенинг шифокорингман» (Чиқши 15:26), «Эй менинг жоним, Раббийни дуо қилгин. Унинг барча эзгуликларини унутмагин. У сенинг барча қонунбузарликларингни кечиради; барча хасталикларингни шифолайди. У қабрдан жонингни қутқаради, сени шавқат ва саҳийликка буркайди» (Сано 102:2-4).*

- Агар сиз синовлардан ўтаётган ёки нимадир учун күчингиз етмаётган бўлса, ушбу оявлар билан ибодат қилинг: «У чарчаганга куч бермоқда ва ҳолдан тойғанинг қувватини оширади» (Ишаъё 40:29), «Раббийга умид қиладиганлар эса кучда янгиланадилар. Улар бургутлар каби (самога кўтариладилар) қанотларини кўтарадилар (Худога яқинлашадилар), югуриб чарчамайдилар, юриб ҳолдан тоймайдилар» (Ишаъё 40:31), «Раббийнинг шафқати туфайли бизлар йўқ бўлиб кетмадик, зоро Унинг раҳмдиллиги тугаган эмас, у ҳар тонгда янгиланади. Сенинг садоқатинг буюкдир!» (Йермияҳнинг кўз ёшлари 3:22-23).
- Худованд ибодатларингизни эшиштишига имонингиз мустаҳкам бўлишини истасангиз, Сано 6:10 дан: «Раббий менинг илтижоларимни эшиштди. Раббий менинг ибодатларимни қабул қиласди» ва Сано 54:18 дан фойдаланинг: «Оқишом ҳам, эрталаб ҳам, кундузи ҳам ибодат қилиб фарёд қиласман ва У менинг овозимни эшиштади».
- Тилингиз сизга кўнгилсизликлар олиб келаётган бўлса, қуийидаги сўзлар билан ибодат қилинг: «Ё, Раббий, менинг оғзимга соқчи қўйигин,

лабларимнинг эшигини қўриқлагин» (Сано 140:3), «Ё, менинг қоям ва халоскорим Раббий, оғзимнинг сўзлари ва юрагимнинг ўйлари Сенинг нигоҳингда маъқул бўлсин» (Сано 18:15).

- Кўрқаётган пайтингиз, Ишаъё китоби 41:10 даги: «Қўрқма, чунки Мен сен билан биргаман. Хижолат бўлма, чунки Мен – сенинг Худойингман. Мен сени мустаҳкамлаб, сенга ёрдам бераман ва сени Ўз ҳақлигимнинг ўнг қўли билан қўллаб-қувватлайман» ва Йешуа Нун ўзли китоби 1:9 даги сўзларни айтинг: «Мана, Мен сенга буюораман: кучли ва жасур бўлгин, қўрқмагин ва даҳшатга тушибагин, зеро сенинг Раббий Худойинг сен қаерга борсанг сен билан биргадир».
- Сиз чарчаган ва руҳий зарба ҳолатидаги вазиятда бўлсангиз қуийидаги оятлардан фойдаланинг: «Ўз ташвишларингни Раббийга ташлагин ва У сени қўллайди. У ҳеч қачон ҳақ одамнинг тебранишига ийл қўймайди» (Сано 54:23), «Онгида мустаҳкам бўлганни Сен мукаммал тинчликда сақлайсан, чунки у Сенга ишонч боғлайди» (Ишаъё 26:3).
- Сизни моддий қийинчиликлар таъқиб этажётган бўлса, ушбу сўзлар билан ибодат қилишингиз мумкин: «Раббийдан қўрқинг-

лар, эй, Унинг мүқаддаслари, чунки Ундан қўрқадиганларнинг мұхтожликлари йўқдир. Арслонлар қашшоқлашиб, оч қоладилар, Раббийни изловчилар эса ҳеч қандай әзгуликка мұхтож бўлмайдилар» (Сано 33:10-11), «Менинг Худойим эса Исо Масиҳ орқали сизларнинг ҳар қандай мұхтожликларингизни Ўз шуҳратининг бойлиги билан қондиради» (Филиппиискларга 4:19).

- Агар мұхим қарор қабул қилиши арафасида турган ва адасишидан қўрқаётган бўлсангиз, қўйидаги ояtlардан фойдаланинг: «Бор юрагинг билан Раббийга ишон ва ўз ақлинингга таянма. Барча йўлларингда Уни таниб-бил ва У сенинг қадамларингни йўналтиради» (Ҳикматлар 3:5-6), «Мен кўрларни улар билмаган йўллардан олиб бораман, уларни номаълум йўллардан етаклайман. Уларнинг олдида зулматни нур қилиб, эгри йўлларни тўғри қилиб қўяман. Мана, Мен улар учун шу ишларни қиласман ва уларни ташлаб кетмайман» (Ишаъё 42:16).
- Сизни келгусидаги нарсалар ташвишига solaётган бўлса, қўйидаги сўзлар билан ибодат қилинг: «Сенинг келажагинг учун умид бор, – дейди Раббий, – сенинг ўғилларинг ўз

чегараларига қайтиб келадилар» (Йермияҳ 31:17), «Фақат Мен сизлар ҳақингиздаги мақсадларимни биламан, – дейди Раббий, – бұлар сизларга келажак ва үмід бериш учун ёвузликка әмас, әзгүлікка бўлган мақсадлардир» (Йермияҳ 29:11).

- *Фарзандларингиз билан мұаммолар түгисла, Ишаъё китоби 54:13 даги Худонинг сўзларини, Унинг Ўзига эслатинг: «Сенинг ҳамма ўғилларинг Раббий томонидан ўргатилган бўлади ва сенинг ҳамма ўғилларингда буюк тинчлик бўлади» ва Римликларга мактуб 15:13 даги сўзларни ҳам: «Умид Худоси сизларни ҳар қандай қувончга ва имондаги тинчликка тўлдирсин, токи сизлар Муқаддас Рұҳнинг кучи орқали үмидга бой бўйлинглар».*
- *Ҳаётингизда нималар содир бўлаётганини ва Худованд сиздан нимани истаётганини билмай қолган бўлсангиз, Сано 36:23 даги сўзлар билан ибодат қилинг: «Яхши одамнинг қадами Раббий томонидан мустаҳкамланади (ҳар қадамда уни қўллаб-қувватлайди) ва унинг йўли Унга ёқади», «Менинг фикрларим – сизларнинг фикрларингиз әмас, сизларнинг йўлларингиз – Менинг йўлларим әмас,*

*– дейди Раббий, – аммо осмон ердан нақадар баланд бўлса, Менинг йўлларим сизларнинг йўлларингиздан ва Менинг фикрларим сизларнинг фикрларингиздан шу қадар баланддир» (Ишаъё 55:8-9).*

Юқорида келтирилган мисоллар, ҳаётимиздаги барча соҳаларни ўз ичига олмаслигини биламан, бироқ муҳими, сиз бир фикрни ўзлаштириб олинг: қандай вазиятда бўлишингиздан қатъий назар, Худонинг Каломида, ибодатда фойдаланишингиз учун мос оятлар мавжуд. Сиздан, Каломни мустақил равишда ўрганишни, кўпроқ ояларни ёдлаб олишни ва уларнинг устида қўпроқ фикр юритишни, қатъий сўраб қоламан. Бунинг натижасида, Худонинг Сўзи юрагингизга чуқур ўрнашади. Сиз донолик ва ҳақиқатнинг тубсиз қудуғидан ичган ҳолда, ибодатларингизга Каломдан ояларни қўшишингиз мумкин.

### *Номаълум тиллардаги ибодатлар*

Имонлилар Муқаддас Рух томонидан, уларга берилган номаълум тилларда ибодат қилишлари мумкин. Ҳозир ушбу ибодатта тўхталиб ўтмоқчиман. Жамоат Муқаддас Рухнинг барча

инъомларига муҳтожлигига ва номаълум тиллар инъоми, ҳар битта масиҳийга берилганига, ниҳоятда ишонаман. Мен бу инъомларнинг барчаси, биз Худонинг кучини намоён бўлишини қўришимиз учун берилган, деб ҳисоблайман. Биз Муқаддас Рух таклиф этаётган ҳамма нарсага муҳтожмиз. Бизга донолик сўзи инъоми, билим сўзи инъоми, имон инъоми, шифолаш инъоми, мўъжизакорлик инъоми, пайғамбарчилик инъоми, руҳларни фарқлаш инъоми, номаълум тилларда гапириш инъоми ва тилларни талқин қилиш инъомлари керак (1 Коринфликларга 12:8-10).

Мен Павелнинг коринфликларга айтган сўзларини қайтаришим мумкин: «Худойимдан миннатдорманки: мен номаълум тилларда ҳаммаларингиздан кўпроқ гапираман» (1 Коринфликларга 14:18). Мен тез-тез номаълум тилларда ибодат қиласман, чунки у мени руҳимни мустаҳкамлайдиган, Муқаддас Рухнинг бошқарувига тобора зеҳни қиласдиган ва ўз фикрларимга диққат қиласдан, Руҳда яшашга ёрдам берадиган, ақл бовар қилас кучдир. Сизни ишонтириб айтаманки: номаълум тиллардаги ибодатлар ўзидан улкан қурат чиқаради.

## *Ибодат тилининг кучи*

Номаълум тилларда айтилган ибодатнинг кучи қисман шундаки, биз улар орқали Худога руҳий сирларни гапиришимиз мумкин. Биринчи Коринфликларга мактуб 14:2 да айтилган: «Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У (Муқаддас) Рух билан сирларни гапиради». Ибодат тилида (номаълум тилда) сўраганимизда, онгимиз биз айтаётган сўзларни тушунмайди, шунинг учун бундай ибодатлар инсон фикрларидан тоза ва йироқдир. Павел биринчи Коринфликлар мактуби 14:14 да, ушбу фикрни тасдиқлаяпти: «Агар мен номаълум тилда ибодат қиласам, руҳим (мендаги Муқаддас Рух) ибодат қиласди, онгим эса ҳосилсиз қолади».

Айтаётган номаълум тилимизни, нафақат биз тушунмаймиз, балки шайтон ҳам тушунмайди. Шунингдек, бундай ибодатларда бизнинг ёки бошқаларнинг ҳаётини ўзgartиришга қодир бўлган нарсалар ҳақида сўраймиз. У ёки бу вазият учун қандай ибодат қилишни билмаганимизда, буни номаълум тилларда амалга оширишимиз мумкин. Римликларга мактуб 8:26 да айтилган: «...Биз қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз». Бундай пайларда бизга номаълум

тиллардаги (Рұхдаги) ибодат доимо қүл келади. У бизнинг илтимосимизни аниқ ва равшан тарзда етказиб беради, зоро Муқаддас Рұхнинг Ўзи биз орқали шафоат қиласади.

Мен номаълум тиллардаги ибодатнинг кучига ишонаман. У менинг ҳаётимни, бутунлай ўзгартириди ва қўп марта кундалик вазиятларимда ёрдам бериб келаяпти. Номаълум тиллардаги ибодат, Муқаддас Рұхнинг кучи ҳаётимизнинг ҳар битта соҳасига таъсир ўтказишига имкон беради ва бизнинг ихтиёrimизга гайритабиий донолик, ғайритабиий иноят ва гайритабиий кучни тақдим этади. Мен бу инъомни 1976 йили кучли руҳий изланишлардан сўнг олдим. У мени Муқаддас Рұх билан тўлдирди ва ўша пайти номаълум тил инъоми ҳақида, қарийб ҳеч нарсани билмасам-да, уни берди.

Айрим имонлилар номаълум тиллардаги ибодатлардан қўрқадилар, чунки айтилаётган сўзларни тушунмайдилар, бошқалар – бу инъомни тан оладиган жамоатга қатнайдилар, учинчи хил имонлилар – бу инъом фақат биринчи жамоатда намоён бўлган, деб хато ўйлайдилар. Бу мавзуни ўзингиз ўрганиб чиқинг. Калом бу масала тўғрисида нима деяётганини шахсан ўрганиб чиқмасдан, у ёки бу таълимотни қабул қиласанди. Номаълум тилларда ибодат

қилиш, самода абадий яшашнинг мажбурий шарти эмас. Каломда ҳатто бу инъом бошқа инъомлардан кўра муҳимроғи, дейилмаган (Павел энг муҳим инъом – бу севги, деб таъкидлаяпти). Шахсан мен, номаълум тилларда ибодат қиласидиган, бироқ Худога маъқул бўлган тарзда ҳаёт кечирмайдиган, кўпчилик имонлиларни биламан. Номаълум тилларда ибодат қила туриб, худбин ва бефарқлигича қолиб кетган ҳамда нуқул шахсий манфаатлари учун яшайдиган одамларни тез-тез учратиб тураман.

Номаълум тиллардаги ибодат руҳий етукликни кафолатламайди, лекин у ўз тоифасига кўра руҳий дунёга ойна бўлиб хизмат қиласиди ва Худонинг сирларига йўл очади. Нима деб сўрашни билмаганимизда, У бизга тўғри ибодат қилиш имконини беради, ўсишимизда ёрдам беради ва имонимизни мустаҳкамлади.

## *Қисқа ҳулосалар*

Худонинг иродасига мос равища ибодат қилишнинг самарали йўлларидан бири – бу Калом бўйича сўраш. Биз Худонинг ваъдаларини билишимиз ва аллақачон, бизда бор бўлган нарсаларни қайта ва қайта сўрайвермаслигимиз учун Сўзни ўрганишимиз лозим.

Маҳсулдор ибодатнинг яна бир йўлларидан бири – бу Рухда ибодат қилиш, яъни Худо Рухининг бошқарувига эргашиш ва/ёки номаълум тилларда ибодат қилиш. Худонинг Рухи бизни ўз она тилимизда ёки номаълум тилларда сўрашга ундайди. Бундай ибодатларда бизнинг руҳимиз Худонинг Рухи билан мулоқотга тушади. Номаълум тилларда ибодат қила туриб, биз руҳий дунёга тегишли бўлган сирларни айтамиз. Шунингдек, бу ибодатларни шайтон тушунмайди.

Худонинг Сўзи ва Худонинг Рухи – ҳар қандай вазиятда, айниқса ибодатда баркамол бирикма ҳисобланади.

### *Ибодатга оид фойдали фикрлар*

- Калом бўйича ибодат қилиши – ибодатнинг ўта даражада самарали бўлган туридир. Улар Худонинг ваъдаларини ёдда саклашга, Унинг ҳақиқати билан бошқарилишга ва Унинг иродаси билан розиликда яшашига ёрдам беради.
- Агар Худонинг Каломидан, У бизга ниманидир берганини билиб олган бўйласқ, шу нарсани қайта-қайта сўрайвермай, балки шу нарса учун миннатдорлик билдиришимиз лозим.

- Павел Хұдованд одамларни синов ва мұаммалардан озод етішини сұрамаган. У Хұдованд үлар үчүн нималар қылғанини аңграб етишлари (бу ҳақда вахий олишлари) үчүн ибодат қылған. Шунингдек, у қийинчилеклардан ўтиши, Рұхда яшаши, матонатли бўлиши ва атрофдагиларга Худо иноятининг тирик гувоҳи бўлиши үчун ёрдам сұраган.
- Каломда ҳар қандай вазиятта мос келадиган оявларни топиш мүмкин. Муқаддас Китобда ҳар битта мұаммо икір-чикиригача таърифланмаган, аммо у ёки бу шароитда қандай ибодат қилиши үчун донолик, мұхим қоидалар ва умумий насиҳатлар ёзилған.
- Биз номаълум тилларда ибодат қилишимиз мүмкин. Бу бизнинг ақлимиз ета олмайдиган ва шайтон түшүнмайдиган рұхий тилдир.
- Нотабиший тилдаги ибодатлар инсон ҳаётини түбдан ўзгартириб юбориши мүмкин. Улар гайритабиший донолик, гайриоддий күч ҳадя этади ҳамда ҳақлиқда ҳаёт кечириши, түгри қарорлар қабул қилиши ва дүч келадиган қийинчилеклардан ўтиши, қобилятини беради.

## **УЧИНЧИ БОБ**

### **Самарали ибодатнинг калити**

Худодан сизнинг ибодатингиз самарали ва кучга тўлган бўлишини сўрайман, токи У билан сұхбат, сизга баракалар келтирсинг ҳамда сизнинг ва атрофингиздагиларнинг ҳаётида, Унинг мақсадлари амалга ошишида кўмаклашсин. Каломда айтилган: «Ҳақ одамнинг гайратли ибодати қўп нарсани амалга оширади» (Ёқуб 5:16). Ибодатларимиз қўп нарсани амалга оширишини истасак, унда Худонинг ибодат ҳақидаги фикрини билишимиз, муҳим. Ҳамма ибодатларимиз ҳам бир хил натижага эга эмас. Жумладан, бизни баъзида, нимагадир эга бўлиш истаги қамраб олади ва биз Худонинг иродасига мос равишда сўраш қанчалик муҳимлигини унутиб қўямиз. Баъзида бирон кишига нисбатан ғазабланган ёки хафагарчиликда бўламиз ва Худонинг Сўзига асосланиб эмас, балки ҳиссиётларимизнинг таъсири остида ибодат қиласиз. Бунга ўхшаш ибодатлар, исталган натижага олиб келмайди.

Худонинг Сўзида, ибодатларимиз самарали ва куч билан тўлган бўлиши учун нималар қилиш кераклиги ҳақида насиҳатлар мавжуд

ва ушбу бобда уларнинг айримларини кўриб чиқамиз. Ибодатнинг кучи белгиланган қоидаларга ёки тартибга риоя қилиш билан боғлиқ эмас. Кучга тўлган ибодатлар ҳар доим Худонинг Сўзига асослангандир. Улар оддий, самимий ва имон билан тўлган бўлади.

## *Худога бўйсунинг*

Масижийлик ҳаётимизнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ва ибодатларимиз самара-дорлигининг муҳим шарти – бу Худога итоат этиш. Худога итоат этмасак, У билан муносабатларимиз ривожланмайди, ибодатларимиз эса кучга эга бўлмайди, шунинг учун ҳам, Худога итоатсизлик – бу гуноҳ саналади.

Менда, кўп марта Худога итоат кўрсатишим керак бўлган вазиятлар туғилган. Бир гал, менга буни қилиш жуда қийин бўлди. Худованд мени 1976 йил хизматга чақирди. Ўша вақтда менинг доимий ишим бўлиб, бундан ташқари, рафиқа ва уч фарзанднинг онаси вазифаларини бажараётган эдим. Бошқа ҳеч нарса учун вақтим йўқ эди, лекин Раббий мени Калом бўйича ўқитувчилик хизматига тайёргарликни бошлашга ундар эди. Худонинг Сўзини ўрганиш ва ибодат учун бир неча соат вақт ажратишим учун, У менга

ишилаб турган жойимдан бўшашимни буюрди. Мен қўрқиб кетдим, десам – ҳеч нарса демаган бўламан. Даҳшатдан, шунчаки тош бўлиб қолдим. Биринчидан, мен моддий томонлама Худога таянишни билмас эдим. Мен шу қадар ўзим учун ўзим ғамхўрлик қилишга ўрганиб қолган эдимки, Худога итоат этиш жуда қийин бўлди.

Бизнинг ойлик тўловларимиз эримнинг маошидан қирқ долларга ошиқ эди. Худога, нафақат зўрға кун кечиришимиз учун, балки машина, миший техникалар, уй-рўзгор буюмлари ва кийим сотиб олиш учун ҳам, ортиқча маблағ беришига таянишга мажбур эдик.

Моддий ҳолатимизни ҳисобга олиб, ишилаб турган жойимдан бўшаб, ҳеч бўлмагандек, кам соатлик иш топишга қарор қилдим. Мен шундай йўл тутсам, Худога итоат қилган бўламан ва пул соҳасида ҳам эҳтиёт чорасини қўриб қўяман, деб ўйладим. Мен Худога тўлиқ таянмадим, буни ҳақиқий итоат, деб атаб бўлмайди.

Орадан бир неча ой ўтди. Янги ишнимда, ҳаммаси ҳам мен истагандек эмас эди. Ҳеч нарса иш бермас эди. Сизларни қийнаб қўймаслик учун, натижасини айтиб қўя қоламан: мени ишдан бўшатиши (бундан олдин, ҳеч қачон бунақаси бўлмаган). Худованд: «Ишингни

ташла, Менга таян ва ҳамма муҳтожликларинг учун ғамхўрлик қиласман ва сени ўқитувчилик хизматига тайёрлашни бошлайман» деганда, ҳазиллашмаганини тушуниб етдим.

Кейинги бир неча йил давомида, Худованд мўъжизавий равишда ойма-ой, ҳамма керакли нарсаларимизни таъминлаганини кузатиб туриб, Унинг шавқати ва сахийлиги ҳақида жуда кўп нарсани билиб олдим. Худованд биз учун қилган ишлари, сизни ҳайрон қолдирмас, лекин мен учун буларнинг ҳаммаси ҳақиқий мўъжиза эди. Ёдимда бор, керакли нарсларнинг рўйхатини туздим ва Худодан буларнинг ҳаммасини беришини сўрадим. Бир куни дугонам уйимга келиб: «Тасаввур қилиб кўр, Худованд сенга янги ошхона сочиғи ва идиш ювиш учун дастмоллар олиб келишимни айтди», деганидаги менинг ҳайратимни кўз олдингизга келтириб кўринг.

Агар ўша пайти Худованд бизнинг моддий ҳолатимиз учун ғамхўрлик қилишига ишонишни ўрганмаганимда эди, У бугунги хизматимизни ҳам, моддий таъминлашига имонда тура олмас эдим. Бир воиз айтганидек: «Худованд сизни, олдин пайпоқ билан таъминлашига ишонишингиз керак, ундан сўнг, У сизга янги уй ёки машина беришига ишона оласиз».

Худовандга итоат этган сари, Унга ишонишга ўрганиб борамиз. Худованд айтганларини ба-жаришга тайёр туринг. Унга итоатда бўлсан-гиз, ҳаётингиз мўъжизавий равища ўзгариб кетади ҳамда қунларингиз қизиқарли ўтади ва кутилмаган ёқимли совғалар билан тўлади.

Ҳар қандай вазиятда Худога бўйсунинг. «Ун-дан нимаики сўрасак, оламиз. Чунки биз Унинг амрларига (астойдил) риоя қилиб, Унинг хузурида Унга маъқул бўлган ишларни қилмоқда-миз» (1 Юҳанно 3:22). Бу бизлар мукаммал бў-лишимиз кераклигини билдирадими? Йўқ. Худованд йўз инояти бўйича, хатога йўл қўяди-ган кишиларни ҳам марҳаматлайди. У бизни бекам-кўст эмаслигимизга қарамай, баракалай-ди, шу билан бирга биз ўсишга ва яхши томон-га ўзгаришга интилишимиз зарур. Худованд ҳаётингизни баракалашини истасангиз, унда қўйидагича қарор қабул қилинг: «Мен ҳозир-гидек бўлиб қолиб кетишни истамайман. Мен ўсишни ва ўзгаришни хоҳлайман, бунинг учун бор кучим билан ҳаракат қиласман. Ҳамма нар-сани тўғри қила олмаслигимни биламан, шун-дай бўлса-да, бу шавқатли ва эзгу Худованд, мени марҳаматлашига тўсиқ бўла олмайди». Мабодо биз Худога итоатсиз бўлсак, барака-

лардан фойда бўлмайди, чунки Худо бизни ҳеч нарсага қарамай баракалайверса, биз яхши томонга ўзгаришни истамай қоламиз.

Биз ҳар сафар итоатсизликка йўл қўйганимизда, ўзимизга зарар келтирган бўламиз. Мисол учун, Худованд бизга хафа қилган кишимиздан кечирим сўрашни айтаётган бўлса-ю, биз қайсарлик қилиб, бу нарсани бажаришдан бош тортсак, шу йўл билан ўз ибодатларимиз учун тўсиқ яратган бўламиз. Худога бўйсунганимизда эса ибодатларимизга жавоб олиш учун қулай фурсат яратган бўламиз. Гуноҳ қилиб қўйиб, сўнг, ноҳақлигимизни англааб етсак, бундан кейин ҳам Худонинг баракаларини олишга умид қилишимиз ва уларни олишимиз мумкин. Шу билан бир қаторда, ким ўз хатоларини тан олишни истамаса, то қўзи очилиб, ўз ҳатти-ҳаракатларини ўзгартирмагунча, Худодан барака олишни ҳаёлига ҳам келтириб ўтирмасин.

Худованд, Унга итоатда бўлганларга мана, нималарни ваъда бераяпти:

- «Шундай қилиб, Менинг овозимга қўлоқ солсангизлар ва аҳдимга риоя қилсангизлар, унда сизлар барча халқлар орасида Менинг мулким бўласизлар, зеро бутун ер Меникидир» (Чиқши 19:5).

- «Сенга амр бераётган үшбү барча сўзларга қулоқ солгин ва бажаргин, токи агар Раббий Худойингнинг нигоҳида эзгу ва тўғри бўлган ишиларни қилсанг — сенга ва сендан кейинги фарзандларингга асрнинг охиригача яхии бўлсин» (Қонуннинг тақоррланиши 12:28).
- «Раббий Худойинг сенга қўлларингнинг барча ишиларига, қорнингнинг ҳомиласига, чорвангнинг ҳомиласига ва ерингнинг ҳосилига мўл-кўлчилик билан муваффақият беради, зеро Раббий оталаринг ҳақида хурсанд бўлгани каби, сенга эзгулик кўрсатиб сен ҳақингда яна хурсанд бўлади, агар үшбу қонун китобида ёзилган Раббий Худойингнинг амрларига ва низомларига амал қилиб, Унинг овозига қулоқ солсанг ҳамда агар Раббий Худойингга бутун юрагинг билан ва бутун қалбинг билан мурожаат қилсанг бу ваъда амалга ошади» (Қонуннинг тақоррланиши 30:9-10).
- «Агар улар қулоқ солсалар ва Унга хизмат қилсалар, улар ўз кунларини фаровонликда ва йилларини ҳузур ҳаловатда ўтказадилар» (Аюб 36:11).
- «Лекин уларга шундай амр берган эдим: Менинг овозимга қулоқ солинглар! Шунда Мен сизларнинг Худойингиз бўламан, сизлар эса Менинг халқим бўласизлар. Сизларга яхии

*бўлиши учун Мен сизларга амр этган барча йўлдан юринглар» (Йермияҳ 7:23).*

- «Агар сизлар амрларимга риоя қилсангиз, унда Менинг севгимда жо бўласизлар, худди шу сингари Мен ҳам Отамнинг амрларига риоя қилиб, Унинг севгисида жо бўлмоқдаман» (Юҳанно 15:10).

## **Ҳақлиknинг пайида бўлинг**

Худованд Ўз Сўзида, агар биз ҳақлиқда Унга эргашсак, ибодатларимизни эшитишга ваъда бераяпти. «Раббий... ҳақ (адолатли, тўғри йўл тутадиган) одамларнинг ибодатларига эса қулоқ солади» (Ҳикматлар 15:29). «Ҳақлик пайида бўлиш» нимани билдиради? Оддий сўзлар билан айтганда, бизга таклиф этилаётган ҳамма нарсага рози бўлиб, муросага борищдан воз кешишни билдиради.

Ҳар нарсада муросага бориш – киши қилаётган иши нотўғрилигини билиб турса-да, кўпчиликнинг ортидан эргашибни билдиради. Бундай киши ўз нуқтаи назарига эга бўлмаган, тўғри келган шароитга мувофиқлашиб кетаверадиган инсондир. Бундай одам, ҳақиқатга қарши бораётганини билса ҳам, бир гап бўлар, деб умид қиласи. Муросада яшаш дегани, бу

биз бирор нарсани айтмаслик, қилмаслик, со-тиб олмаслик ёки емасликни, юрагимизнинг туб-тубидан сезиб турамиз ёки бу ҳақда Муқаддас Рухдан аниқ буйруқ оламиз, лекин ўзимизга деймиз: «Мен бу нарсани айтмаслик кераклигини биламан, аммо...», Бу нарсани емаслигим кераклигини биламан, аммо...», Бундай қилмаслик кераклигини тушуниб турибман, лекин...», «Бу ерда узоқ қолмаслигим керак, лекин...» «Қилмаслигим – керак – аммо» жумласи нимани билдиради? Бу: нима тўғрилигини биламан, аммо ўзим билганимча йўл тутаман, дегани. Бундай ҳатти-харакатнинг оқибати учун фақат ўзимизни айблашимиз керак.

Муросага борищдан воз кечсак ва ҳақликни мустаҳкам ушлаб олсақ, Худованд ибодатларимизни эшитади ва бизни баракалаши ҳақида ваъдалар беради:

- «*Бетавфиқ нимадан қўрқса – бошига шу тушади, ҳақ одамларнинг истаги эса амалга ошади*» (Ҳикматлар 10:24).
- «(Муросага бормайдиган) ҳақ одам палма каби гуллайди (узоқ умр кўради, мақтovга тўлган, тик турадиган, фойдали ва ҳосилдор одам бўлади)» (Сано 91:13).
- «(Муросага бормайдиган) ҳақ одамларга

*нур сочилади, юраги түгриларга шодлик экилади» (Сано 96:11).*

- «Раббий кўрларнинг кўзини очади, Раббий букилганларни кўтаради. Раббий (муросага бормайдиган) ҳақ одамларни севади» (Сано 145:8).

Калом ҳақ киши марҳаматга эга бўлишини тасдиқлаяпти, дунё эса биздан муроса қилиб яшашни кутаяпти. Агарда дунёning айтганини қилишдан бош тортсак, бизни иккюзламачи, деб атайдилар ёки ўжарликда айблайдилар. Муқаддас яшашга уринганимизда, ҳатто айрим масиҳийлар ҳам, бизни риёкорликда таъна қиласилар. Мен ўта даражада кўнгилчанлик қилиб ва ўзимга ортиқроқ эрк бериб юбориб, натижада, фалокатга юз тутгандан кўра ҳақ ҳаёт кечиришга уринишни ҳаддидан ошириб юборишни афзал кўраман. Таъсир остига тушиб қолиш ва бу дунёning изидан бориш жуда осон, бироқ Худованд бу дунё билан унинг ясси пастлигига қараб кетмайдиган, балки пок ва муросага бормайдиган, муқаддас ҳаётга интиладиган кишиларни изляяпти.

Худога итоат этишни истасак, атрофдаги-ларнинг фикрига эргашмаслигимиз ва қандай қилиб бўлса ҳам, ҳақликнинг пайида бўлиш-

ни ўрганишимиз лозим. Ҳақлик пайидаги инсон қандай ҳаёт кечиради? У ҳар доим ва ҳар нарсада тўғри йўл тутишга уринади. Айрим кишилар кўнгилсизликка тушганларида гина ўзининг ҳатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлай бошлидилар. «Худо менга ёрдам бериши учун шу ҳафта жамоатга бораман», «Мен шифога муҳтожман, шунинг учун ҳозирча фийбатлашмай тураман». Ҳайратланарлиси шундаки, бизга у ёки бу муаммони тезлик билан ҳал этишга тўғри келганида, ўзимизни қанчалик «муқаддас» тутиб қоламиз. Асл ҳақ инсон, Худодан фақат бирор нарса олмоқчи бўлганда эмас, балки ҳар доим тўғри ҳаракат қилиб яшайди.

### *Ибодатни тўхтатманг*

«Ғайратли (юрақдан чиқсан, тўхтовсиз) ибодат кўп нарсани амалга оширади» (Ёқуб 5:16). Ғайратли, самимий ва тўхтовсиз ибодат ўзидан улкан куч чиқаради. Худонинг вазиятингизни яхши томонга ўзгартирадиган чексиз қудратини қўрмагунингизча, ибодатни тўхтатманг. Қатъиятли бўлинг ва ортга чекинманг.

Исо Масиҳ шогирдларига ибодат қилишни ўргата туриб, уларга ибодатда қатъиятли бўлишни айтди: «Сўранглар ва сизларга берила-

ди, изланглар ва топасизлар, тақиллатинглар ва сизларга очилади. Чунки ҳар бир сўрайдиган олади, излайдиган топади ва тақиллатганга очилади» (Матто 7:7-8). Исо Масих биз ибодатда доимиийлик, ортга чекинмаслик, дадиллик ва қатъиятилиликни кўрсатишимиизни истайди.

## *Таслим бўлманг*

Исо Масих ўз шогирдларига, бетавфиқ қозининг олдига, адолат талаб қилиб келган бева аёл ҳақида масал айтиб берди. Исо Масих ушбу масалнинг мисолида «доимо ибодат қилиш ва умидсизликка тушмаслик (тушкунликка тушмаслик, ботирликни йўқотмаслик, таслим бўлмаслик) (Луқо 18:1), қанчалик муҳимлигини кўрсатган. Бошқача қилиб айтганда, бу аёл қозига деди: «Яхшиси, менинг илтимосимни бажаришга ҳаракат қил, бўлмаса, сени илтимосларим билан ҳоли-жонингга қўймайман». Натижада, аёл ўз мақсадига эришди.

Матто Хушхабари 15:22-27 да, ўзининг қатъияти билан сўраган нарсасига эриша олган бошқа бир аёл ҳақидаги воқеани ўқишимиз мумкин. «Мана, канъонлик бир аёл ўша жойлардан чиқиб, Унга: — Эй, Ҳазратим, Довуд Ўғли, менга раҳминг келсин, менинг қизимни ёвуз руҳ аёв-

сиз қийнаяпти, – деб (баланд овозда ва ҳаяжонда) қичқирди. Бироқ Исо унга бир сўз ҳам жавоб бермади. Шогирдлари келиб, Унга: — Уни қўйиб юборгин, чунки у ортимиздан қичқирмоқда, — деб ўтиндилар. У жавоб бериб: — Мен фақат Исройил халқининг йўқолган қўйлари учун юборилганман, — деди. Шунда у аёл келди-да, Унга сажда қилиб: — Ҳазратим, менга ёрдам бер, — деди. У эса жавоб бериб: — Нонни болалардан олиб, итларга ташлаш яхши эмас (нотўғри, адодлатдан эмас), — деди. Аёл жавоб бериб деди: — Худди шундай, Ҳазратим, лекин итлар ҳам (ит боласи ҳам) хўжайинларининг дастурхонидан тушган ушоқлардан ейишади-ку!» Бу аёлнинг имони ва журъати шу қадар кучли эдики, Исо Масих унга ёрдам беришга рози бўлди.

Каломда айтилган яна бир қатъиятли кишилардан бири – бу Бартимай. Бу қашшоқ ожиз одам, тўхтовсиз: «Эй, Довуднинг Ўғли Исо! Менга шафқат қилгин», — деб қичқира бошлади. Кўплар уни жим бўлишга мажбур қиласи эдилар. Аммо у янада қўпроқ қичқира бошлади» (Марк 10:47-48). У Исо Масих унинг ягона умиди эканини билган, шунинг учун тўхтамай қичқирган. Шунда Исо Масих тўхтади, Бартимайни олдига чақирди ва унга шифо берди.

Одамлар ибодатларига жавоб олмаслигининг (ва ҳайтда муваффақиятга эришмаслигининг) сабабларидан бири, улар жуда эрта таслим бўладилар. Павел ва Сила қамоқхонада бўла туриб, Худога сажда қилдилар ва Унга мақтов қўйладилар (Ҳаворийлар 16:25-26). Аксарият кишилар бундай вазиятда умидсизликка тушган бўлар эдилар. Ўзингизга «Ҳеч қачон таслим бўлманг!» жумласини шиор қилиб олинг. Қўлларини ҳеч қачон пастга тушурмайдиган кишиларга, шайтоннинг тиши ўтмайди. Нима бўлган тақдирда ҳам, ибодатни тўхтатманг. Шайтон, сиз қачон мағлубиятни тан олишингизни кутиб туради. У сиз охири қуидагиларни айтишингизни истайди:

- «Худованд мени ҳеч қачон баракаламайди».
- «Ўйлаб қарасам, мен ҳеч қачон яхшироқ ишига жойлаша олмайман».
- «Мен бу вазифанинг уддасидан чиқа олмайман».
- «Қачондир яхшироқ жойга кўчиб ўтишим, амри маҳол».
- «Менинг ҳеч қачон оиласам бўлмайди».
- «Ҳеч қачон бирор яхши нарсага эриша олмайман».

- «Энди үмримнинг охиригача қарзларимдан құтула олмайман».
- «Мен ҳеч қачон ориқлай олмайман».
- «Мен ҳар доим ортиқча бўлиб қолавераман».

Бундай кайфият билан хоҳлаган нарсангизга эриша олмайсиз. Яхиси, бундай деб айтинг: «Мен Масихда ким эканимни биламан. Худойим, Сен мен учун нималар қилганингни ва мен муваффақиятга эришишимни биламан, чунки Сенинг Сўзинг буни ваъда берган. Менинг ичимда Бўлган бу дунёда бўлгандан устундир. Мени мустаҳкамлаётган Исо Масихда ҳамма нарсага қодирман. Худованд мен учун тайёрлаб қўйган ҳамма нарсани қўлга киритаман». Шунга ўхшаш ибодатлар, Худонинг Сўзига мос келади ва доимо шундай ибодат қилиб, ақл бовар қилмас ҳосилларнинг гувоҳи бўламиз. Худованд томонидан руҳлантирилган ва бошқарилган қатъиятли ибодат, қудратга эга. Агар сиз ҳали йўлда бўлган жавоб учун миннатдор бўлсангиз – бу ҳам қатъиятли ибодатнинг бир кўриниши ҳисобланади. Ҳар доим Унинг ваъдаларига ва Унинг содиқлигига ишонишингизни такрорлаб юринг.

## *Юқорида турган кишиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлинг*

Ҳикматлар китоби 28:9 да, ҳокимият тепасида турган одамларга нисбатан беҳурматлик қилиш, ибодатларимизга таъсир этиши ҳақида ёзилган: «Ким (Худонинг ва инсоннинг) қонунини эшлишидан қулоғини бурса, унинг ибодати ҳам жирканчдир». Келинг, аввал оиласидаги муносабатларни қўриб чиқамиз. Мен аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқди эканига, иккаласи ҳам бир хил юқори мансабда иш юрита олишига ва яхши маошга эга бўла олишига аминман; Худованд аёлларни хизматта даъват эта олишига ҳам, ишончим комил. Шундай бўлишига қарамай, Худованд оиласда бошқача бўйисуниш тартибини ўрнатган.

Каломда хотин киши ўз эрига, худди Раббийга бўйсунгандек, бўйсуниши кераклиги ёзилган. Бу эри истаса, аёл киши гуноҳ ҳам қилиши керак, дегани эмас. Жумладан, хотин итоат юзасидан, эрининг мажбурлашига ҳам қарамай, у билан жинсий беҳаёликларни қўриши керак эмас. Лекин хотин киши камтар ва кўнувчан руҳга эга бўлиб, эрига ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим. Элар Худонинг Сўзини бажарсалар ва Масих Ўз Жамоатини

севганидек, улар ҳам хотинларини севсалар, хотинлар эса художўй итоатни намоён этсалар эди, мустаҳкам ва баҳтли оиласалар анча қўпроқ бўлар эди. Бу оиласалар барқарорлик, хавфсизлик ва қувонч оролчаларига айланар эдилар.

Бир пайлар, эримнинг суиистеъмол қилиши мумкинлигидан чўчиб, унга итоат этишни истамаганман. Менинг яхшигина баҳонам – менинг ўтмишим, деб ҳисоблаганман, бироқ Худованд ўтмишим қанчалик қайғули бўлишига қарамай, менинг бундай ҳаракатимни оқламади. У менга, агар эримга итоат этмасам ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлишни бошламасам, ибодатларимга тўсиқ қўйишини тушунтириди. Баҳоналарга умид боғламанг – Худованд итоатсизлик билан рози бўлмайди. Нотўғри ҳаракат қилаётганимни англаб, ўзгаришга қарор қилдим. Бу осон бўлмади, лекин бундан бош тортганимда эди, бир жойда ботиб қолишим ва яна кўп йиллар умидсизлик ҳисси билан яшашим мумкин эди.

Ҳозирги кунда, камдан-кам оиласаларда хотини эрига бўйсунади. Руҳий ҳокимиятга бўйсуниш ҳам – кам учрайдиган ҳодиса. Ахир ёзилмаганми: «Ўз бошлиқларингизга бўйсунинглар ва уларга итоатли бўлинглар (ҳар

доим уларнинг хукмронлигини тан олинглар), чунки улар ҳисобот берувчилар сифатида жонларингизнинг устидан назорат қилмоқдалар, (ҳаракат қилингларки) токи улар буни оҳ-нола билан эмас, балки қувонч билан бажарсиналар. Акс ҳолда, бу сизларга фойдали бўлмайди» (Ибронийларга 13:17).

Чўпон жамоатдагиларни койиганида, уларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатини қўрсатганида, аксарият кишиларнинг жаҳли чиқади, кимдир умуман жамоатта қатнамай қўяди. Павел қўп марта одамларга танбех берган. У руҳий раҳбар ва устоз бўлгани учун, бу унинг вазифасига кирган, бизнинг ҳаётимиздаги руҳий раҳбарларда ҳам, шундай жавобгарлик бор. Павел айтган: «Гўё сизларнинг имонингиз устидан ҳукмронлик қилишимиз учун эмас, балки қувончингизга кўмаклашишимиз учун: зеро сизлар имон билан мустаҳкамсизлар» (2 Коринфликлар 1:24).

Руҳий ҳокимият қувончимизга кўмакчи бўлиб чорланганини билиб олсак, биз бажонидил унга бўйсунамиз, шунда ҳаётимиз чинакам қувончга тўлиб-тошади, ибодатларимиз эса кучга эришади.

Борди-ю, иш жойимиздаги тартиб қоидаларга, корхона ёки ширкатнинг сиёсатига, ҳу-

куматнинг қонунларига, йўл ҳаракат қоидала-рига ва ҳар қандай бошқа турдаги ҳокимиятга қарши қўзғолон қўтартсак, демак, биз бўйсуниш соҳасида жиiddий муаммоларга эгамиз. Итоат-сизлик – мақтаниб бўладиган ахлоқ эмас. Бундан халос бўлиш лозим. Нима учун? Агар ерда-ги ҳокимиятга бўйсунишдан бош тортсак, унда Худонинг ҳокимиятига бўйсунишимиз, амри маҳол, Худога бўйсунмаслик эса ибодатлари-мизни кучдан маҳрум этади.

Мен ўзимнинг шахсий хизматимни бошла-шимдан аввал, Худованд менга, ҳокимиятга бўйсунишни ўрганишим учун бошқа киши-нинг хизматида меҳнат қилишни буюрди. Бу осон бўлмади, чунки мен етарлича қайсар ва дангал одамман. Мен ҳар доим ҳам, у одамнинг қарорлари билан рози бўлмас ва ҳар доим ҳам, улар менга одилона муносабатда бўлдилар, деб ҳисобламас эдим. Лекин Худованд менга бир ҳақиқатни жуда яхши ўзлаштириб олишимга ёрдам берди: ҳокимиятни қўлга киритишдан аввал, ўзимиз ҳокимиятга бўйсунишга ўрганиб олишимиз зарур. Агар сиз маошингизга устама пул қўшилишини ва хизмат поғонасида қўтарилишни истасангиз, шу билан бирга, бошлиғингизни доимий ғийбат ва танқид

қилсангиз – бу бўйсунмасликнинг аломати. Бир куни Худо менга деди: «Жойс, сендан талаб қилинган нарсани бажаришинг, шу билан бирга ичингда норозилик билдиришинг мумкин. Бу ҳақиқий бўйсунишга кирмайди». Бўйсуниш – бу шунчаки ҳаракатлар эмас. Бу бизнинг ички хоҳишимиз. Биз кейинги даражага қўтарилишни истасак, Худованд томонидан қўйилган ҳокимиятга бўйсунишимиз зарур. Бизнинг ҳамду-сано хизматимизни Худованд томонидан мойланган кишилар бошқаради. Борди-ю, улар менга ёки Дэйвга бўйсунмаганида эди, уларнинг ҳаётида мойланиш бу қадар кучли намоён бўлmas эди. Агарда мен эримга бўйсунмаганимда эди, ҳаётимда Худонинг мойланиши ҳозиргидек кучли намоён бўлmas эди. Ибодатларимизга жавоб олишни ва Худовандга маъқул бўлишни истасак, оиласдами, ҳаётилизнинг руҳий соҳасидами, ишдами ёки бошқа жойдами, қаерда бўлишдан қатъий назар, ҳар қандай соҳада итоатгўй бўлишимиз лозим.

Ҳар қандай масалада ўз фикримизни билдириш, ўз ғояларимизни таклиф этиш ва у ёки бу вазиятни изоҳлаш, жовраш, доимий норозилик билдиришимиз шарт эмас. Ҳокимият тепасида турган киши нимани буюрса, ўшани

қилинг. Ҳудованд тепамиздаги ҳокимиятни бизни эҳтиёт этиш ва қувонтириш учун қўяди. Бизнинг тепамизда руҳий ва ердаги ҳокимиятлар қўйилган, биздан унисига ҳам, бунисига ҳам бўйсуниш талаб этилади. Сиздан бошқа жойга ўтишларини сўрашса, бошқа жойга ўтинг. «Машина тўхташи мумкин эмас» деган ёзувни кўрсангиз, бир дақиқага бўлса ҳам, у жойда тўхтаманг ва ногиронлар учун белгилangan жойни эгалламанг. Агар светофорнинг қизил чироги ёнса, яшилни кутиб туринг. Ўтиш мумкин бўлмаган жойдан ўтманг. Маркетда «Илтимос, аравачани жойига қўйинг» деган ёзувни кўрсангиз, шундай қилинг.

«Буларнинг ҳаммаси майда-чуйда нарсалар. Менинг муаммоларим эса анча жиддий», – дейишингиз мумкин. Гап шундаки, агар майда нарсаларга шундай муносабатда бўлсангиз, жиддийроқ муаммоларни ҳеч қачон бартараф эта олмайсиз. Биз то майда нарсаларга бўлган муносабатимиз ва кундалик ҳаракатларимиз, катта муаммолар ёки катта баракалар учун бадал ёки тўпланма бўлиб хизмат қилишини тушунмагунимизча, жиддий муаммолар ҳеч қаерга кетиб қолмайди.

## *Атрофингиздагиларнинг муҳтожликларига эътиборли бўлинг*

Муваффақиятли ибодатнинг яна бир қалитларидан бири – бошқа одамларнинг муҳтожликлари учун ғамхўрлик қилиш ҳисобланади. Ўз манфаатларидан оқиб келадиган ва доимо шахсий қизиқишлиарнинг атрофида айланадиган ибодатлар самарали бўлмайди. Бошқаларнинг эҳтиёжларига ҳам вақт ва ибодатларинги зни ажратишга ҳаракат қилинг. Мен доимий равишда беш-олти киши учун ибодат қиласман, уларнинг муаммолари ҳал бўлганидан сўнг, бошқалар учун ибодат қилишни бошлайман. Яқин кишисини, ишини ёки яшаш жойини йўқотган, нохуш ташхис қўйилган, фарзанди бетоб, эри ташлаб кетган (ёки хотини ташлаб кетган) кишилар учун сўранг. Одамлар ҳар доим муаммоларга дуч келадилар ва бизнинг ибодатларимизга муҳтож бўладилар. Худованд бир-биirimiz учун бегараз ибодат қилишимизни истайди. Худодан ким учун ибодат қилиш кераклигини тез-тез сўраб туринг.

### **Яхшилик қилинг**

«Ким қашшоқнинг фарёдини эшитишдан қулоғини ёпса, унинг ўзи ҳам фарёд қиласди ва

ҳеч ким жавоб бермайди» (Ҳикматлар 21:13). Бу: агар мен одамларнинг эҳтиёжларига эътиборсиз бўлсан ва уларга ёрдам бермасам, Худованд ҳам мен кўнгилсизликда бўлганимда, ибодатларимга жовоб беришга шошилмайди, дегани.

Яхшилик қилиш – нафақат дўстларимиз ва оила аъзоларимиз билан, балки атрофдагилар билан ҳам яхши муносабатда бўлишни билдиради. Сиз яшаётган жойда, мушкул муҳтожликдаги одамлар борлиги, шубҳасиз. Ёдимда бор, бир куни қўлимга Сент-Луисдаги уйсизлар билан боғлиқ маълумот тушиб қолди. Менинг шаҳримдаги уйсизларнинг ўртача ёши – етти ёш бўлиб чиқди. Биласизми, мен бунга йигирма йил олдин қандай муносабат билдиран бўлар эдим? Мен: «Оҳ, бу жуда қайгули!», деб қўйган бўлар эдим. Бироқ ҳозир бундай вазиятларга олдингидан кўра масъулиятироқ ёндошаман ва ёрдамга шошиламан. «Жойс, сенга айтиш осон. Сизларнинг хизматларинг катта ва ёрдам бериш қўлларингдан келади» дейишингиз мумкин. Сизда бизнинг хизматимиздагидек имкониятлар йўқ, аммо сизда мендагидек ибодат қилиш имкони бор. Сиз одамларга ёрдам берадиган хизматларга қурбонлик беришингиз мумкин. Вақти-вақти билан, кўн-

гилли сифатида хизмат қылсанғыз бўлади. Агар ҳоҳиши бўлса, ҳар биримиз нима биландир ёрдам беришга қодирмиз.

Аксарият ибодатларимиз жавобсиз қолиб кетади, чунки биз одамларга ёмон муносабатда бўламиз, оғир ахволдаги одамга яхшилик ва ҳамдардлик билдирумаймиз. Қаранг, Худованд бунга қандай муносабатда: «Мана, Мен танлаган рўза: Қонунбузарлик кишанларини очгин, бўйинтуруқ занжирларини ечгин, жабрланганларни озодликка қўйиб юбор ва ҳар қандай бўйинтуруқни узгин, нонингни оч билан баҳам кўр ва дарбадар юрган қашшоқни ўз уйингта киргизгин. Яланғочни кўрганингда, уни кийинтиргин ва ўз қариндошингдан (унинг муҳтоҷлигидан) яширинмагин. Шунда сенинг нурингтонг каби ёриб чиқади ва шифойинг (тикланишинг ва кучга тўлган янги ҳаётинг) тезда ўсиб боради, сенинг ҳақлигинг (ҳақиқат, адолат, Худованд билан тўғри муносабатларинг) сенинг олдингдан боради ва Раббийнинг шуҳрати сенга ҳамроҳ бўлади. Шунда сен Раббийни чақирансан ва У сенга жавоб беради, сен фарёд қиласан ва У: «Мана, Мен», – дейди. Сен ўз орангдан бўйинтуруқни олиб ташлаганингда, бармоғингни чўзиб, ҳақорат сўзларини гапиришни бас

қилганингда» (Ишаъё 58:6-9). Ишаъё пайғамбар – яхши ишлар қилишга ундаяпти. Шунда Худонинг Ўзи сизга дейди: «Мана, Мен. Сен учун нима қилай?»

Атрофимиздагиларга нисбатан хайриҳоҳ муносабатимиз сабабли, баракаларнинг ҳимматли ҳосилига эга бўлишимиз мумкин. Мана, бир нечта мисоллар:

- *Атрофдагиларга қўполлик қилманг.*
- *Машиналар тўхташ жойида бошқаларга жой бўшатиб беринг.*
- *Арзимаган нарсадан шовқин-сурон кўтарманг.*
- *Турмуши ўртогингиз ҳар сафар сиздан бирор нарсанни сўраганида аччиқланманг. Мулоийм бўлинг ва илтимосни бажаринг.*
- *Болаларга овозингизни кўтарманг.*
- *Сотувчиларга, хизмат кўрсатаётган ходимларга, банк ходимларига ва сизга ёрдам бераётган ҳар бир кишига раҳмат айтишини унутманг.*
- *Кекса кишиларга жой беринг.*

Худо учун биз атрофдагиларга яхши муносабатда бўлишимиз, муҳим аҳамиятга эга. Сизга қачондир адолатсизлик қилган бўлсалар, бу

нарса қанчалик кўнгилсиз, ҳатто оғир эканини биласиз. Ибодатларингиз кучга тўлишини ва Худованд илтимосларингизга қулоқ тутишини истасангиз, одамларга яхши муносабатда бўлишни бошланг.

## *Бошқаларни кечиринг*

Ибодатларимиз самарали бўлишини истасак, Худога яқинлашишдан аввал юрагимизни поклашимиз зарур. Юракни покликда сақлаш учун, бизни ранжитган ҳар бир кишини кечиришимиз лозим. Кечириш осон эмас, аммо бу самарали ибодатнинг муҳим шартидир. Исо Масих: «Ибодатда турғанларингизда, агар бирор кишига қарши даъвойингиз бўлса, кечиринглар, токи сизнинг Осмондаги Отангиз ҳам сизнинг гуноҳларингизни кечирсин» (Марк 11:25), деб ўргатган.

Исо Масихнинг шогирдлари кечиirimning муҳимлигини билишган, шундай бўлса-да, улар учун ҳам бу чинакам синов бўлган. Бир куни Пётр Исо Масихдан сўради: «Ҳазрат, агар биродарим менга қарши гуноҳ қилса, мен уни неча марта кечиришим керак? Етти мартагачами?» (Матто 18:21). Исо Масих унга жавоб берди: «Йўқ, етмиш карра етти мартагача». Етти

сони тўлиқлик ва мукаммалликнинг тимсоли, шунинг учун Исо Масих, аслида деди: «Ҳар сафар кечир; қанча керак бўлсак, шунча кечир».

Бизни ранжитадиган одамлардан нарироқда юришга ва улар билан имкони борича камроқ мулоқотда бўлишга уринамиз. Аммо Худованд бундай қилмайди – У бизни ҳар куни кечиради ва биз ҳам бошқаларни кечириб яашшимизни истайди.

Дэйв бир марта мени кучли ранжитди, шундан кейин у билан дўстона муносабатда бўлиш у ёқда турсин, оддий тарзда гаплашишга ҳам ўзимни мажбуrlай олмадим. Мен одатда ибодат қиласидан хонамга бориб, Худога дедим: «Менга Дэйв билан, у мени умуман хафа қилмагандек гаплашиб кетиш учун куч бермасант, шу ердан ҳеч қаерга чиқмайман. У менга атайин озор етказмаганини биламан ва мен уни кечиришни истайман». Мен нафақат ибодат қилдим, балки Каломдан кечиридим ҳақида ва ғазабнинг хавфли экани тўғрисидаги матнларни ҳам қидирдим. Орадан бир оз вақт ўтиб, Дэйвга бўлган мулоийим ҳисларим қайтиб келди. Мен хонамдан чиқдим ва ўзимни илгаригидек тутишни бошладим.

Агар сизни хафа қилган кишини кечира олишга қурбингиз етмаса, Худодан бу борада ёрдам сўранг. Кечириш учун шунчаки уриниб

қўйманг, балки чин дилдан кечиринг. Кечира туриб, биз Масиҳга ўхшаган бўламиз, Худодан намуна оламиз, ваҳоланки У – ҳамма нарсани кечирадиган Худованд. Кечирим – бу севгининг ишларда намоён бўлиши, севги эса – бу кучга эга бўлган ибодатларнинг муҳим қисми ҳи-собланади. Кечирим ва севги ёнма-ён туради. Бошқаларни кечирганимизда ва севганимизда, Худони улуғлаган, Унинг иродасига кўра ҳаёт кечирган ва Унинг Сўзини бажарган бўламиз – буларнинг ҳаммаси ибодатларимизни улкан куч билан тўлдиради.

## **Жавобни ишонч билан кутинг**

Ҳаётимда, Худодан у ёки бу нарса ҳақида сўраб, жавобни ишонч билан кутган паллалар бўлган. Мен қаттиқ ишонганман ва Худованд сўраган нарсамни, албатта, амалга оширишига умид қилганман. Кейин қандайдир сабабларга кўра ўша сифатимни йўқотиб қўйдим, аммо Худованд бу нарсага қўнишимга йўл қўймади. У менга ибодатларимда кўпроқ қатъиятли ва да-дил бўлишни ҳамда Ундан буюк нарсаларни кутишни ўргата бошлиди. Мен қайтадан, керакли бўлган жавобни қўлга киритишга тайёр туришга ўрганганимда, Унга дедим: «Худойим, менга

Сенинг иноятиңг бугун күн бўйи ҳамроҳ бўлади. Сендан бугун, менга күн давомида хайриҳоҳликни ва ҳар битта сұхбатлашадиган киши, менга очиқ бўлишини кутаман». Яна шу тарзда ҳам сўрар эдим: «Художон, бугун яхши хабарларни эшитишни истайман. Сен кутилмаган нарсаларни амалга оширишингта умид қиласман». Ажабланарли, ана шундай кунларда кўпинча телефон жиринглайди, мен гўшакни кўтараман ва менга аъло даражадаги хабарларни етказишидаи.

Аксарият кишилар нохуш хабарларни эшишидан қўрқадилар. Бу тўғри муносабат эмас. Ҳаётингизда Худованд кучининг ҳаракатини қўришни истасангиз, содир бўлаётган нарсаларни ижобий қабул қилишга ўрганинг. Бизнинг ҳаётта муносабатимиз имонда, умидда ва яхшиликни ўйлашда қурилиши керак, зеро Каломда, Худога имонсиз маъқул бўлишнинг имкони йўқ (Ибронийларга 11:6) ва умид уялтиrmайди (Римликларга 5:5), деб ёзилган. Худода салбий нарсанинг ўзи йўқ; Унинг Ўзида ҳам, қилаётган ишларида ҳам, бизни ҳафсаламизни пир қиласиган нарса йўқ. Ибодат қилиб бўлгач, Худованд бу нарсани амалга оширадими, йўқми, деб гумон қилиш керак эмас, балки сўраганимиздан ҳам ортиғини беради, деб ишонч билан кутиш лозим.

Худодан ишонч билан улкан ишларни күтинг. Кўпчилик масиҳийлар, Эфесликларга 3:20 да ёзилган: «Худо эса биз сўраётган ёки орзу қилаётган ҳамма нарсадан кўра ҳаддан ташқари кўпроғини қилишга қодирдир» дейилган жойни такрорлаб юрадилар. Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимасида Худованд «ўйлашга ёки сўрашга ҳаддимиз сифмайдиган (нима учун ибодат қилсак, нимага интилсак, нимага умид боғлаган бўлсак, нима ҳақда орзу этсак) ҳамма нарсадан кўра ҳаддан ташқари кўпроғини қилишга (Ўзининг ниятларини омалга оширишга) қодир», деб ёзилган. Ўйлашга ва ҳатто сўрашга ботинолмаган нарсаларимиздан кўра ҳаддан ташқари кўпроғини қилишга қодир, У бизнинг энг катта истакларимиздан ҳам, кўпроғини амалга ошириши мумкин. Бу сўзлар бизни аминликка тўлдириши ва жавоб олишга шайлантириши керак. Мен кам нарса сўраб, ўша кам нарсани олгандан кўра кўп нарса сўраб, сўраганларимнинг яримини олишни афзал кўраман. Эфесликларга 3:20 да яна бир диққатга сазовор, муҳим жумла бор. «Бизнинг ичимиизда Ўз куч-кудрати билан ҳаракат қилаётган» Худованд сўраган ёки ўйлаган ҳамма нарсадан кўра кўпроғини амалга

ошириши мумкин. Бизнинг ичимиизда қандай куч-қудрат ҳаракат қилаяпти? Бу қисқа ибодатнинг шарофати билан намоён бўладиган Худонинг куч-қудратидир. Бу имоннинг кучи, умиднинг кучи. Биз имон билан ибодат қиласак, Худонинг кучи вужудга келади, зеро имон Худога маъқулдир. Имоннинг таркибий қисмларидан бири – ижобий натижани кутиш. Имон руҳий соҳага кириб боради ва у ерда Худонинг нотабиий кучини намоён бўлишини кутади. Шубҳа эса – ҳеч қандай яхши нарса амалга ошмайди, деб ўйлайди. Бундай муносабат Худога маъқул эмас ва Унинг баракаларини ўзига тортмайди.

Худованд сизга бирор нарсада ёрдам беришига, охиригача амин бўлмаган ҳолатни эслаб кўринг. Бундай ҳолатда ибодатларингиз кучга эга бўлгани, амри маҳол. Энди Худованд сўраган нарсангизни аниқ амалга оширишига тўлиқ ишонган пайтни эслаб кўринг. Наҳотки ибодатларингизда кучни ҳис этмаган бўлсангиз? Мана, ишонч билан кутиш нимани билдиради. Ҳатто ҳамма нарса сиз ўйлагандан кўра бошқачароқ юз бераётган бўлса ҳам, Худога ишонинг, чунки У сизга аслида нима яхшилигини билади, шунинг учун Ундан аминлик билан буюк нарсаларни рўй беришини кутинг.

## *Қисқа хүлосалар*

Биз ибодатларимиз самарали ва кучга эга бўлишини истаймиз. Худованд ибодатларимиз орқали кимнингдир ҳаётини ёки қайсиидир вазиятни яхши томонга ўзгартиришига амин бўлишни истаймиз. Ибодатларимиз ҳосиллар келтириши учун муваффақиятли ибодатнинг бир нечта муҳим шартларини ёдда тутишимиз лозим, буларга: Худога итоат этиш, ҳақдик, ортга чекин маслик, ҳокимиятга бўйсуниш, бошқалар учун ибодатда бўлиш, одамларга хайриҳоҳлик билан муносабат кўрсатиш, бошқаларни кечириш қобилияти ва жавобни ишонч билан кутишлар киради. Агар бу шартларга риоя қиласак, ибодатларимизга жавоб келишни бошлиайди.

## *Ибодатга оид фойдали фикрлар*

- *Худога итоат этинг. Итоаткорлик – бу Худога бўлган севгимизнинг намоён бўлиши ва ибодатдаги муваффақиятнинг муҳим шарти.*
- *Ҳақдикнинг пайида бўлинг. Худованд нотўғри нарсалар билан муросага боришидан бош тортадиган одамларнинг ибодатларини эшиштади ва уларни мўл-кўл баракалайди.*

- Рұхнинг бошқарувига әргашиб, қатъият билан ибодат қилинг ва жавобни құлға кириптмагунча, таслим бўлманг.
- Ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлинг. Дунёдаги ва руҳий соҳада тайинланган ҳокимиятларга бўйсұна оладиган киши, Худога ҳам бўйсұна олади. Худованد томонидан тайинланган ҳокимият, бизнинг қувончимиз ва фаровон яшашимизга кўмаклашиши учун қўйилган.
- Ибодатларингиз ўз манзилига етиб боришини истасангиз, фақат ўзингизнинг шахсий эҳтиёжларингиз учун эмас, балки бошқаларнинг муҳтожликлари учун ҳам сўранг. Фақат ўз манфаатини ўйлаши – ибодат учун тўсиқ ҳисобланади.
- Одамларга яхшилик қилинг. Худованд учун, биз атрофдагилар билан хайриҳоҳ муносабатда бўлишишимиз мүҳим аҳамиятга эга.
- Кечиринг. Кечирим – севгининг намоён бўлишидир. Бу шартга риоя этмасак, Худованд ибодатларимизни эшишидан бош тортади.
- Ибодатларимизнинг жавобини ишонч билан күтиши – бу қудратли руҳий куч ҳисобланади. Худованд бундай ибодатларга бажонидил жавоб беради.

## ТҮРТИНЧИ БОБ

### Мұхим таркибий қисм

Ушбу бобни, маҳсулдор ибодатнинг, ҳамма нарсаны ўз ичига оладиган ва ҳамма нарсадан устун бўлган мұхим таркибий қисмига бағишиламоқчиман. Биз турли хил қоидаларга ва ҳамма интизомларга риоя этишимиз мумкин, бироқ шу таркибий қисм бўлмаса, ибодатларимиз «жаранглайдиган мис ёки янграйдиган кимвал» бўлиб қолади. Муваффақиятли ибодатнинг бирламчи шарти, севги ҳисобланади.

Исо Масих, У учун севги – энг мұхими эканини аниқ билдирган: «Сизларга янги амрни бераяпман: Бир-бириңизни севинглар. Мен сизларни севганимдек, сизлар ҳам бир-бириңизни севинглар» (Юханно 13:34). Ҳаворий Пётр ёзган: «Энг мұхими, бир-бириңизга нисбатан оташин севгига эга бўлинглар, чунки севги кўп гуноҳларни қоплайди» (1 Пётр 4:8, ёзма ҳарфлар билан ёзилган сўзлар менга – Д.Ж. га тегишли). Биз учун энг мұхими, одамларга нисбатан самимий ва пок севгига эга бўлишдир. Борди-ю, биз Худони билмасак, Уни севмасак ва У бизни севишига ишонмасак, одамларни чин дилдан севишига қурбимиз етмайди.

## *Имон севги билан ҳаракатланади*

Кўп масиҳийлар, кучли имон – руҳий етукликнинг кўрсаткичи эканига аминдиirlар. Бироқ мен руҳий етукликнинг муҳим кўрсаткичи – севги, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, севги – бу муваффақиятли ибодатнинг энг биринчи шартини саналади. Агар биз севги йўли билан борсак, имонимиз куч олади, имон ва севгининг ўзаро ҳамкорлиги самарали ибодатларга олиб келади. Севгидан куч оладиган имондек, муҳим таркибий қисмсиз, ибодатларимиз қудратга эга бўлмайди.

Каломда имон севги билан ҳаракатланади, деб айтилган. Галатияликларга мактуб 5:6 да, имон «севги билан пайдо бўлади, кучга тўлади, намоён бўлади ва севги билан ҳаракатланади», дейилган. Севги ҳатти-ҳаракатлар билан қувватланади. Калом ўргатганидек, муҳтоҷликдаги биродарни кўрсак ва унга ёрдам беришга қурбимиз етса-ю, лекин ёрдам бермасак, демак, бизда севги йўқ (1 Юҳанно 3:17).

Исо Масиҳ ҳам, қонун ва пайғамбарлар севгига тақалади, деган: «Раббий Худойингни бутун юрагинг, бутун жонинг ва бутун онгинг билан севгин. Мана шу биринчи ва энг буюк амрдир. Иккинчиси эса шунга ўхшаёт: Ўз яқинингни ўзингни севгандек севгин. Бутун қонун ва пай-

ғамбарлар мана шу иккита амрда асосланган» (Матто 22:37-40). Исо Масиҳ буни, қайси амр энг муҳим, деган саволга жавобан айтган. Исо Масиҳ шогирдларининг саволини бошқача қилиб ифодаласак: «Раббий, бизга қонуннинг мазмунини қисқача қилиб айтиб бер». «Қонуннинг мазмунини билишни истайсизларми? Қонун ва пайғамбарларни бажаришни истайсизларми? Унда Мени ва одамларни севинглар». Тамом. Севгига эга бўлмай, имон билан яшашга уриниш – батарейкаси йўқ чироқдан фойдаланишга уриниш билан баробар. «Севгимизнинг батарейкаси» доимо ўқланган бўлиши лозим, аксинча бўлса, имон ҳосил келтирмайди.

Севги – имоннинг ва Худованд билан муносабатларимизнинг муҳим таркибий қисми эканини унутсан, муаммолардан бошимиз чиқмаслиги аниқ. Биз турли-туман баракаларни қўлга киритишни истаймиз, шу билан бирга севги кўрсатишга учналик хушимиз йўқ. Шайтон қўпчилик имонлиларнинг юрагида истеҳком қуриш учун, уларнинг севгисини соvuтишга интилади. У бизнинг юракларимиз бошқа одамларга ачинмайдиган совуқ, тошдек бўлишини афзал кўради. У бизлар худбин бўлишимизни, шахсий манфаатимизни энг биринчи ўринга қўядиган ва бошқаларга ёрдам

бериш ҳақида умуман ўйламайдиган бўлиши-  
мизни истайди. У имон севги билан ҳаракатла-  
нишини ва севгисиз имон, ҳеч нарса эмаслиги-  
ни билади. Агар имонимиз мустаҳкам бўлиши-  
ни ва ҳаётимизнинг бошқа соҳалари ҳам, му-  
ваффақиятли тарзда ривожланишини хоҳла-  
сак, буни унутмаслигимиз ва ҳар доим севгини  
намоён этишга интилишимиз лозим.

## *Севиш – нима дегани?*

Севиш – бизни хафа қилганларни кечириш,  
улар ҳақида шикоят этишдан ўзимизни ти-  
ишиш ва уларнинг қилмишларини ёпиб юришни  
билдиради, модомики Калом «севги кўпчилик  
тunoҳларни ёпади» (1 Пётр 4:8), деб ўргатади. Се-  
виш – бошқаларга саҳийлик кўрсатиш ва ўрнига  
ҳеч нарсани кутмасликни билдиради. Севиш –  
Худога ўхшаш бўлиш, олийжаноб, меҳрибон,  
марҳаматли, раҳмдил, яхшиликка ишониш, ат-  
рофдагиларга умид улашиш, уларга қўмаклашиш  
ва ҳеч қачон таслим бўлмасликни англатади.

Биринчи Коринфликларга ўн учинчи бобни,  
масиҳийлар кўпинча тўйда ўқийдилар, чунки  
у жойда чинакам севгининг хусусияти ёзилган.  
У ерда таърифланган севги никоҳга тегишли,  
шунингдек биз бу севгини қариндошларимиз,  
дўстларимиз, танишларимиз, ҳамкаслари-

миз, қолаверса нотаниш кишиларга ҳам намоён әтишимиз лозим. Биз иш вазифамизни адо эт-ганда, харид қилганды, бирор тадбирда қатнаш-ганда, болаларимизни ухлашга ётқизганда ёки уларни эрталаб уйғотганда – ҳар доим ва ҳамма жойда одамларга севги күрсатишимиz керак.

Юқоридаги матнда севги сабр-тоқатли, деб айттылган. Севги билан ҳаракатланаёттан одамнинг жаҳлини чиқариш анча қийин. Севги яхшилик демақдир, бу эса севгига эга бўлган киши, бошқаларга нисбатан яхшилик ва ҳамдамликни күрсатади, улар ҳақида ғамхўрлик қиласди ва улар учун вақт ажратади дегани. Севги узоқ сабр-тоқатли – ҳамма нарсага, нолимай чидайди ва нима содир бўлишидан қатъий назар, ўзгармай туради. Чинакам севги адо бўлмайди. У жаҳлланмайди. Севгига эга бўлган киши хафа бўлмайди, кимгадир нисбатан адсоват сақлашга ёки ўч олиш ҳақида ўйлашга қодир эмас. Севги кечиради ва унитади. Севги одамлардаги яхши нарсаларни излайди, у салбий томонларга диққат қаратишга мойил эмас. Севги қўполлик қилмайди. Бошқаларни севадиган киши жамоат транспорт воситаларида одамларни итармайди. Севги бошқаларнинг манфаатларини ўзиникидан устун қўяди. Севадиган киши маркетда маҳсулотларга тўла

иккита арава билан навбатда туриб, бир нечта майда нарса олган кишини олдинга ўтказиб юборади. Бундай одам машинасини қўйишга ўрганиб қолган жойга, бошқа кекса ҳайдовчи келиб тўхтаса, унга жойини бўшатиб беради.

Севги доимо ёрдамга келади, у қурбонлик қилишдан ва борини бошқалар билан бўлишишдан чарчамайди. Севги қуради, мустаҳкамлайди, руҳлантиради ва доим тинглашга тайёр. Севги – бу Осмон Шоҳлигининг қонуни ва Худонинг асл моҳияти ҳисобланади.

### *Нима севгига кирмайди*

Энди чинакам севги нималигини билиб олганингиздан сўнг, нималарни севги, деб атаб бўлмаслиги ҳақида тўхталиб ўтаман. Одамларга севги билан муносабатда бўлиш, бирорлар оёғини артадиган оstonадаги гиламча бўлиш, дегани эмас. Бу одамлар сиздан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишларига ва яхшилигингизни суиистеъмол қилишларига йўл қўйишни билдиrmайди. Севги баъзида кескин ва муросасиз бўлиши лозим. Ҳаётингизда, сиз узокроқда юришни истаган одам билан бирга бўлиб қолишга тўғри келадиган вазиятлар юзага келиши мумкин. Бироқ севги одамларга Худованд

қандай муносабатда бўлса, биз ҳам шундай муносабатда бўлишимизни назарда тутади.

Айрим ҳолатларда севги барқарор ва эгилмайдиган бўлиши зарур. Баъзиларнинг маъсулиятсизлигини рафбатлантириш керак эмас. Меҳнатдан бўйин товладиган одамларга, доимо моддий ёрдам бериб юриш, ақлдан эмас. Сизнинг, ёши катта ўғлингиз ёки қизингиз ишлашни ёқтирмаса ва меҳрибонлигингиздан фойдаланиб, сизнинг қарамоғингизда яшаётган бўлса ва сиз фарзандингизни чиндан ҳам севсангиз, вазият бундай давом этишига йўл қўймаслигингиз зарур. Ушбу вазиятда – фарзандингиз учун, у ишга чиқишига ва ўз ҳаёти учун масъулият олишга мажбур қиласидиган шароитни юзага келтирсангиз, айни муддао бўлади.

Одамга йиллаб давомида ёрдам берсам-у, лекин унинг ҳаёти ўзгармаса, демак, у бошқача яшашни истамайди ва менинг меҳрибонлигими ни суиистеъмол қиласиди. Агар унга вазиятдан чиқишнинг йўлини таклиф қилишса, у боши берк кўчада қолаверишни истаса, яхшиси, бошқа, чиндан ҳам ёрдамга муҳтож одамга ёрдам беринг. Агар инсонга бизнинг яхшилигимизни суиистеъмол қилишига йўл қўйсак, бундан бизга ҳам, унга ҳам фойда бўлмайди. Ҳикматлар китоби 1:3 да «оқиллик қоидаларига амал

қилган ҳолда, насиҳатларни донолик билан қабул қилишимиз» ҳақида ёзилган. Бизнинг моддий ёрдамимиз одамга фойда келтирмайдиган вақтлар келади. Бундай вазиятда одамга ёрдам бермаслик оқилона бўлади. Менга қадрли бўлган, мен севадиган кишига ёрдам бермаслик – мен учун чинакам синов.

Мен, уни ўзи бир чора излашига йўл қўйгандан кўра, ўзим ҳаммасида ёрдам беришни пеш биламан, бироқ севги ҳиссиётга эмас, балки доноликка асосланиши лозим.

### *Биз севгисиз ҳеч нарсамиз*

Бир куни, севгисиз, менинг ҳаётим ва хизматим ҳеч қандай кучга эга эмаслигини тушуниб етдим. Мен кўп вақтимни саҳнада, микрофон қошида, суръатга олиш жараёнида ўтказдим, аммо энг муҳими – бу саҳна ва телевизор экранни ортидаги кечирадиган ҳаётим ҳисобланади. Саҳнада одамлар қаршисида турганимда, мен намойиш кўрсатмайман. Мен, улар ўз ҳаётларида тартиб ўрнатишида ва Худованд билан муносабатларини ровожлантиришга ундашда ёрдам беришни истайман, холос. Биз диққат марказида бўлганимизда, ўзимизни одамларни севадиган қилиб кўрсатсак, бизни ҳеч ким кўрмаганда эса уларга ёмон муносабатда бўл-

сак, Калом тили билан айтганда, биз бор-йўғи жаранглайдиган мисмиз ва ҳеч нарсамиз, ўликларнинг суюклари тўла оқланган қабрлармиз (1 Коринфликларга 13:1-2; Матто 23:27).

Мен одамларга, Худованд томонидан берилган мойланишдан бўлак, бошқа ҳеч нарсани таклиф эта олмайман. Менда кимнингдир кўнглини овлаш нияти йўқ. Мен куйламайман ва одамларда маҳсус туйғу уйғониши учун ҳеч нарса қилмайман. Менинг вазифам – Худонинг Сўзидаги ҳақиқатларни, одамларга Худонинг ортидан боришини, руҳий ўсишни, муваффақиятга эришишини, ҳаётдан қувонишни ўргатишдир. Мен Худонинг Каломини қўллашнинг, кундалик вазиятларда ёрдам берадиган амалий усулларини таклиф этаман. Бизнинг хизматимиз, дунё бўйлаб миллионлаб одамларни ўз ичига олади, шундай бўлса-да, даъватимни бажаришим учун қобилият берадиган Худонинг мойланишисиз, мен ҳеч нарса эмасман. Бу мойланиш эса мен, севгини намоён қилганимдагина ҳаракат килишини биламан.

Худонинг мойланиши – бу Худонинг ҳузури ва кучи, зеро у шахсий кучимиз билан ҳеч қачон эриша олмаган нарсаларни, амалга ошишида ёрдам беради. Биз яхши ота-она бўлишни, бу дунёда яхши кун кечиришни, содик дўст бўлишни, ишда ва ҳар битта машғулотимизда

муваффақиятга эга бўлишни истасак, бизга Худонинг мойланиши зарур.

Кўп йиллар давомида, мен қўпол ва манман бўлганман, уйда эrim билан тортишиб, кейин Худо Сўзининг ўқитувчиси, деган буюк даъватимга амин бўлган ҳолда, саҳнага чиқиб воизлик қилганман. Мен одамлар билан тўғри муомала қилишни билмас ва жаҳлдор эдим. Агар атрофдагилар ниманидир мен хоҳлагандан бошқачароқ қилишса, бирдан осонликча қўзғалиб кетар эдим. Ҳеч кимнинг мени танқид қилиш ёки тузатишга ҳаққи йўқ эди, чунки мен Худодан ўқитувчи қилиб тайинланган ва ўша пайти «Сўздаги Ҳаёт», деб номланган, бутун бошли ташкилотнинг раҳбари эдим.

Ўша вақтларда ҳаётим ва хизматимдаги содир бўлаётган ҳеч нарса мени қониқтирmas эди. Хизматимиз мен ўйлагандек тезлик билан ўсмас эди, Худонинг кучи эса кутилгандек намоён бўлмас эди. Раббий менга ўқитувчилик инъомини бергани туфайли, йиғинларимиз лозим тарзда ўтар, бироқ Худонинг ҳузури ҳам, Муқаддас Рухнинг ҳаракати ҳам кўринмас эди. Охир оқибат мен одамларга севги кўрсатиш им кераклигини тушуниб етдим. Худо учун, биз одамларга қандай муносабатда бўлишимиз катта аҳамиятга эга. У бизда севгини кўришни истайди.

«Агар пайғамбарчилик (Худонинг иродасини ва Унинг ниятларини талқин қилиш) инъомига эга бўлсам-у, бор билимларни ва бор сирларни тушунсам, агар тоғларни кўчирадиган бор имонга эга бўлсам-у, лекин (мендаги Худонинг) севгисига эга бўлмасам, мен ҳеч нарса эмасдирман (ҳеч қандай қардга эга эмасман)» (1 Коринфликларга 13:2). «Севгига эга бўлмасам, ҳеч қандай қадрга эга эмасман» жумласи жуда тўғри айтилган. Агар бирор қадрга эга бўлишни истасак, бу ҳақиқатни чин дилдан қабул қилишимиз ва одамларни Каломда буюрилганидек севишини ўрганишимиз лозим:

- «...Сизлар чорланган даъватингизга муносиб тарзда яшанглар. ...Бир-бирингизга севгида бардош беринглар» (Эфесликларга 4:1-2).
- «Мендан эшиятган соглом таълимотнинг намунасини Исо Масиҳдаги имон ва севги билан маҳкам тутгин» (2 Тимотийга 1:13).
- «Энг аввало, бир-бирингизга нисбатан оташин севгига эга бўлинглар, чунки севги кўп гуноҳларни қоплайди» (1 Пётр 4:8).
- «Масиҳ бизлар учун Ўзини Худога хушибўй ифор каби багишлов ҳамда қурбонлик қилиб топширгани каби ва бизларни севгани каби – сизлар ҳам севгида юринглар» (Эфесликларга 5:2).

## **Одамларга қувонч улашинг**

Одамларга севги кўрсатишинг энг яхши йўлларидан бири – бу уларга ёрдам бериш. Яқинимизга ғамхўрлик қилишнинг бир талай усуслари мавжуд ва буни энг оддийсидан – хайриҳоҳ муносабатда бўлишдан бошлиш мумкин. Кимdir ноҳушлиқда эканини эшитганда, шунчаки: «Эсизгина!», деб қўйиш керак эмас, балки ёрдам беришга уриниш зарур. Дўстларимиздан бирортаси бетоб бўлиб қолса, уни шифокорга элтишимиз мумкин. Агар бирор оила ёнгин ёки яна бошқа офатта кўра уйини ва нарсаларини йўқоттанини билиб қолсақ, камида жавон ва омборхоналаримизни ковлаб, жабр кўрганларга ўзимизнинг нарсаларимиздан улашишимиз мумкин. Албатта, битта киши дунёдаги ҳамма муаммони бартараф этишга қодир эмас, шундай бўлса-да, ҳар бири миз яқинимизга ёрдам бера олишимиз мумкин.

Бир иш юритувчимиз, қўчиб ўтадиган уйи ҳали тайёр бўлмай туриб, ўзининг уйини сотди. Улар бир-икки ҳафта тунашлари учун меҳмонхонага жойлашмоқчи эканини эшитиб, улар вақтинчалик яшаб турадиган жой қидиришни бошладим. Куёвим менга бу ишда кўмаклашди ва биз уйидан чиқиб кетаётган бир эр-хотинни топдик. Бу уйнинг пули бир ҳаф-

та олдинга тўланган эди ва улар бу кишининг оиласига шу уйда бир ҳафта яшаб туришни таклиф этдилар. Бир ҳафтадан сўнг, уларнинг янги уйи ҳали ҳануз қўчишга тайёр эмас эди. Улар яна бир неча кун кутиб туришлари керак эди. Шунда, менинг қизим: «Улар бизникида яшаб туришлари мумкин», деб қолди. Унинг ўзини тўртта фарзанди борлигини инобатга олсак, уйида яна беш киши яшаши, анчагина ноқулайлик туғдириши мумкин эди. Шундай бўлса-да, қизим, баъзида бошқаларга ёрдам бериш учун ўз қулайлигимиздан кечиш кераклигини тушунар эди. У яқинини севиш учун айрим ноқулайликларга чидашга тайёр эди.

Одамларга ёрдам беришга интилсак, Худованд ўз ўрнида бизга ёрдам беришнинг пайига тушади. Яхшилик қилиш учун Худодан маҳсус кўрсатма кутишнинг ҳожати йўқ. Одамларнинг гапига ёки ҳатти-ҳаракатларига қараб, уларнинг муҳтоҷлиги нимада эканини тушуниш мумкин. Жамоатингиздаги ёлғиз одамлар учун ғамхўрлик қилинг. Хизматга доим ёлғиз келадиган кишиларга эътибор беринг ва ўзингизни унинг ўрнига қўйиб кўринг. У кишига сиз билан ўтиришга таклиф қилинг. Тўртта болани ўзи катта қилаётган ва куннинг охирида зўрға оёқда турадиган ёлғиз оналарга ёрдам беринг.

Болаларига тансиқ егулик олиб бериши учун, унга озроқ пул беринг ёки озроқ дам олиши учун болаларига күз қулоқ бўлиб туриング. Аёллардан бири: «Пулим йўқлигидан анчадан буён гўзаллик салонига бора олганим йўқ», деганини эшитиб қолсангиз, унга пул беринг.

Сиз: «Жойс, менда ортиқча пул йўқ», дейишингиз мумкин. Яхши, унда қўлингиздан келганича беринг. Биз қандайдир жиҳдий муҳтожликни эшитсак, пулимиз йўқлиги туфайли ёрдам бера олмасликни ўйлаймиз. Кучингиз етганича қурбонлик қилинг. Агар қўп нарса қўлингиздан келмаса, кучингиз етганича ёрдам беришдан бош тортманг. Ёрдам кўрсатишида фаол бўлинг ва албатта, бирор нарса қилинг. Агар сиз фаолиятсиз бўлсангиз, Худованд Ўзининг мақсадлари йўлида, сиздан фойдалана олмайди. «Менчи? Ўзимни ташвишларим бошимдан ошиб кетган, нимага мен учун ҳеч ким ғамхўрлик қилмайди?» – деб сўрашингиз мумкин. Сизда шундай фикрлар бор экан, ҳеч ким сизга ёрдам бермайди. Сиз ёрдам беринг – сизга ҳам ёрдам беришади.

Баъзида Худованд бизни, одамларга улар унчалик ҳам муҳтоҷ бўлмаган нарсаларни беришга ундейди. Айримлар, биздан кўра яхши-

роқ таъминланган, лекин яхши сўзга муҳтож бўлиши мумкин. Улар учун, кимдир қайгура-ётганини билишнинг ўзи муҳим. Бошқаларга нимадир берганингизда (улар бунга муҳтожми ёки йўқми), бу уларга хурсандчилик олиб кела-ди. Сиз берган нарсадан фойдаланишмаса ҳам, уларга эътибор қаратганингизнинг ўзи сизга ҳам, уларга ҳам қувонч олиб келади.

Ҳадяларимиз ўз вақтида ҳосил келтирадиган уруғ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Каломда, Худованд уруғ экувчига уруғ ва озуқа учун нон беради (2 Коринфликлар 9:10), деб айтилган. Одамлар менга, кўплаб турли хил нарсаларни ҳадя тариқасида юборишади, мен уларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланмайман, лекин уларни уруғ сифатида ишлатишим, яъни уларни бошқа кишиларга совға қилишим мумкин. Бизга ҳожати йўқ нарсани совға қилишса, барибир уни қабул қилиш, кейин уни муҳтож бўлган одамга бериб, уруғ сифатида ишлатиш зарур. Мен кўпинча одамларга ҳар хил нарсалар ула-шаман ва уларга дейман: «Агарда бу нарса сенга лойик келмаса, ёки ёқмаса, унда буни бошқага беришинг мумкин». У совғани бошқага бериши-га тўғри келса ҳам, барибир у ҳақида ғамхўрлик қилганлари учун қувонади.

Одамларга қувонч улашинг. Баъзида бу нарса учун вақт ва пул сарфлашга тўғри келади, бу сиздан нимани талаб этмасин, унумайлик, севги, Худованд билан муносабатларимиз ва ибодатларимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун, доимо атрофдагиларга севгини ишларимизда кўрсатиш, имкониятини излашимиз лозим.

### *Севги беради*

Ота Худойимиз бизни севгани учун Ўзининг ягона Ўғлини берди. Ҳар сафар, бизда нима биландир бўлишиш имконияти туғилса, онгимизга фикр келиб туради: «Бу нарсани бера олмайман, балки бу ўзимга керак бўлиб қолар». Кўпчилигимизда йиллар давомида, фойдаланилмайдиган нарсалар йиғилиб кетган. Ўша нарсалар ҳақида эслаганимизда, улар, аллақачон яроқсиз ҳолга тушган ёки бир метр чанг остида, таниёлмайдиган ҳолга тушган бўлади. Нарсаларни ҳар эҳтимолга қарши сақлагандан кўра уларни ишлатиш, агар ўзимизга яқин орада керак бўлмаса, муҳтожларга бериш керак. Мабодо ўша нарсалар қачондир бизга керак бўлиб қолса, Худованд, уларни бизга беришнинг йўлини топади. Ҳар сафар, кимнингдир муҳтожлиги учун қурбонлик қилганимизда ёки нима билан-

дир бўлишганимизда, бу бизнинг муҳтожликла-  
римиз ҳам қондирилишининг кафолатидир.

Менинг кексайиб қолган онам ва холам бор.  
Худованд, уларнинг ёшида мен учун қандай  
ғамхўрлик қилишларини истасам, мен улар  
учун ҳам шундай ғамхўрлик қилишим керак-  
лигини, аниқ қилиб айтди. Балки, мен қари-  
ганимда бироннинг ёрдамига муҳтож бўлмас-  
ман, борди-ю муҳтож бўлиб қолсам, мен вақти  
келиб, яхши ҳосиллар келтирадиган керакли  
уругларни, экиб қўйдим.

Уйингизни айланиб чиқиб, бир йил ёки ун-  
дан кўпроқ вақт фойдаланмаган нарсаларин-  
гизни йифинг, қутига тахланг ва уларни кимга-  
дир беринг. «Мен бу нарсаларни ўз меҳнатим  
билин топганман ва бир куни улар менга зарур  
бўлиб қолади», деб айтишингиз муқаррар.  
Агар шохни вақти-вақти билан қирқиб турса,  
у билан нима содир бўлишини биласизми? У  
яхшироқ ўсишни бошлайди. Ўз бисотингиздан  
керак бўлмайдиган нарсаларни доимий тарзда  
олиб ташлаб турсангиз, бисотингиз янада кўпа-  
яди, ўшанда, сиз ишлатмайдиган нарсалар-  
ни йифиб, биронга бериш учун каттароқ қути  
қидирасиз. Менинг ҳаётимда бу қоида доимо  
ишлайди. Мен янги нарса олганимда, бирор  
ортиқча нарсани, албатта, бошқаларга бера-

ман, ундан сўнг, менга яна қўплаб янги нарсалар келади, уларни ҳам бошқалар билан бўлишаман. Менга яна берсалар, мен яна бўлишаман. Мана шундай узлуксиз алмашиниш содир бўлади – мен кимнидир қувонтираман, кимдир мени қувонтиради. Мен бирор кишига кийим беришдан, катта завқ оламан. Менга жуда кўп кийим керак, лекин янги кийим олишдан аввал, ўзимнинг кийимларимдан бирортасини бошқага бераман. Мухтож аёлга, ўзимнинг яхши нарсаларимдан бирортасини бериш – ҳамиша мени қувонтиради. Баъзида хизматимизнинг офисига кетаётиб, кўчада мен берган кийимлардаги ўн иккитагача аёлни кўришим мумкин. Бу кийимлар, уларни хурсанд қилган, мен эса уларнинг хурсандчилигидан қувонганман.

Моддий нарсаларга ўта даражада боғланиб қолиш керак эмас. Биз сахий ишларимиз билан ўз севгимизни намоён этишимиз мумкин. Қўлларингиз доимо олишга эмас, беришга тайёр бўлсин. Севги ҳар доим бўлишишнинг имконини излайди. У атрофдагиларга ёрдам беришга интилади ва кимгадир яхшилик қилиш йўлини излайди.

Мен дурадгор бўлганимда эди, менга ўз ишм билан шуғулланишим учун маҳсус асбоб-ускуналар керак бўлар эди. Шифокор бўл-

ганимда эди, менда кўплаб тиббиётда ишлатила-  
диган буюмлар ва қуроллар бўлар эди. Одамлар-  
га севги ҳадя этишни истасам, менга, одамлар би-  
лан бўлишишим учун моддий бойликлар қўри-  
нишидаги маҳсус қуроллар керак. Мен ҳар доим,  
кимгадир ёрдамим тегиб қолиши учун тайёр  
туришга уринаман, сизни ҳам шундай бўлишга  
чорлайман. Мисол учун, муҳтожларга ёрдам қўр-  
сатиш учун, олдиндан пул йиғиб қўйинг.

Маҳсулот, кийим, китоблар билан бўли-  
шинг. Кинога тушиш учун билет олаётиб,  
яна бирор кишига қўшиб олиш ҳақида ўйлаб  
кўринг. Ёрдамга муҳтож одамни, узоқ вақт из-  
лашга тўғри келмайди. Атрофга қарааш кифоя,  
бирдан муҳтожликка кўзингиз тушади. «...Ҳали  
фурсат бор экан ҳаммага, айниқса, имондаги  
ўзимизниklарга (Худонинг оиласига тегишли  
кишиларга) яхшилик қиласерайлик» (Галатия-  
ликларга 6:10). Кимга бўлишидан қатъий назар  
– севги доим беради. У нима биландир бўли-  
шишдан ўзини тийиб тура олмайди.

### *Севги беғараз*

Чинакам севги ҳамма одамга бир хил муно-  
сабатда бўлади ва ҳар бир кишини қадрлайди.  
Бу бизда, яқин дўстлар бўлиши мумкин эмас-

лигини билдирмайды, бироқ одамларни тоифаларга бўлмаслик, кимдир ўзини нимадандир маҳрум қолган ёки таҳқирланган сезишига йўл қўймаслик лозим. Исо Масиҳ бошқаларга нисбатан Пётр, Ёқуб ва Юҳанно билан қўпроқ вақт ўтказган, аммо бу уччаласини бошқалардан кўра қўпроқ севганини билдирмайды. Менимча, У бу уччаласида бошқа шогирдларида йўқ бўлган нарсани кўрган. У уччаласи учун қўпроқ вақт ўтказиб, уларнинг лайоқатларини ровожлантирган ва уларга таълим берган, зеро Унинг хизматини даъвом эттириш учун, уларнинг ички имкониятлари кўпроқ эканини кўрган, деб ўйлайман. Шу билан бир қаторда, У бошқа шогирдларига ҳам ёмон муносабатда бўлмаган. Худованд иккизламачи эмас. «Худо юз хотирчилик қилувчи эмас» (Ҳаворийларга 10:34). «Нималардадир тан олинган одамларга келсак, улар қачонлардир қандай бўлганликларининг мен учун фарқи йўқдир: Худо инсонга юз хотирчилик қилмайди» (Галатияларга 2:6). «Эй, биродарларим, шуҳрат Раббийси Исо Масиҳга бўлган имонингиз юз хотирчиликсиз бўлсин» (Ёқуб 2:1).

Манман одамлар ўзларини бошқалардан устунроқ, деб ҳисоблайдилар. Бундай одамлар,

уларнинг пуллари кўпроқ, маълумоти олийроқ ёки мансаби каттароқлиги учун ўзларини бошқалардан устун қўядилар. Улар ўзларидан паст табақадаги одамлар билан мулоқотда бўлишни истамайдилар. Бу мағрурлик. Ва бу ибодат учун тўсиқ яратади. Сано 9:38 да, Худованд камтарларнинг хоҳишини эшитади, дейилган, Ёқуб 4:6 да эса Худованд мағрурларга қарши туради, лекин камтарларга иноят беради, деб ёзилган.

Бизнинг ноёблигимизни кўрсатиб турадиган томонимизни қадрлашимиз ва одамлар билан дўстона муносабатда бўлишимиз учун, улар бизга ўхшаш бўлишга мажбур эмаслигини англашимиз лозим. Мулоқот доираниз кенг ва у хилма-хил одамларни ўз ичига олиши, бу ажойиб. Бу, дунё бизнинг туманимиз, жамоатимиз, иш жойимиз ёки бизнинг бошқа кичик жамиятимиздан иборат эмаслигини билдиради.

Севгининг йўлида туринг. Манман бўлманг, одамларга нисбатан янгиш муносабатда бўлманг, уларни ҳар хил тоифаларга бўлмаган ҳолда, севишга ва хурмат қилишга урининг, Худованд уларни ажойиб ва ноёб қилиб яратган, деб қаранг. Уларни қадрланг ва Худо уларни қандай яратган бўлса, шундайлигича қабул қилинг.

## *Олтин қоидага риоя қилинг*

Мана, севги йўлидан боришига ва мўъжизавий ҳосилларни ўриб олишга ёрдам берадиган яна бир қоида: «Сўранглар ва сизларга берилади, изланглар ва топасизлар, тақиллатинглар ва сизларга очилади. Чунки ҳар бир сўрайдиган олади, излайдиган топади ва тақиллатганга (эшиклар) очилади. Сизларнинг орангизда бир кимса борми, ўғли ундан нон сўраганида унга тош берса? Ёки балиқ сўраганида унга илон берса? Шундай қилиб, сизлар ёвуз бўла туриб, фарзандларин гизга яхши ҳадялар беришни билсангизлар, боз устига, Осмондаги Отангиз Ундан сўраганларга эзгу неъматларни беради» (Матто 7:7-11).

Матто Хушхабари 7:12 да шундай дейилган: «Ҳамма нарсада одамлар сизларга қандай муомала қилишларини истасангизлар, сизлар ҳам уларга шундай муомалада бўлинглар, чунки қонун ва пайғамбарлар шунга асослангандир». Бу оят олтин оят ҳисобланади. Биз бу оятни нима учундир, юқорида келтирилган матндан ажратиб ўқишига одатланганмиз. Балки Матто, мавзуни ўзгартиргандек кўриниши мумкин, бироқ, аслида у деяпти: «Агар сўрашда тўхтамасангиз, сизларга берилади, лекин бунинг учун муҳим

шартта риоя этиш зарур – одамлар сизга қандай мұомала қилишларини истасаңғыз, сиз ҳам уларға шундай мұомалада бўлинг. Ибодатларимизга жавоб олишимиз учун, севги – риоя этишимиз керак бўлган талаб ҳисобланади. Имон севги билан ҳаракатланишини унутманг».

Қўшма Штатларда оила институти хавф остида турибди, сабаби эса жуда оддий. Жанжаллар, турмуш ўртоқларнинг бирортаси илтифот ва донолик кўрсатишни, кечирим сўрашни ёки бошқасига ён беришни истамаганида вужудга келади. Кўпинча, одамлар бизга қандай муносабатда бўлса, биз ҳам уларға шундай муносабат билдирамиз. Бироқ биз атрофдагиларга, улар бизга қандай муносабатда бўлишини истасак, шундай муносабат билдиришимиз керак. Аксарият ҳолларда жанжалнинг икки томонидан бирортаси ҳам биринчи бўлиб кечирим сўрашни исташмайди. Агар бошқа киши ўзининг айбини текислашини кутиб ўтирасак, бу нарса содир бўлмаганида, хафагарчилик ўсиб, норозичилик тўпланиб бораверади, қўпол сўзлар айтилишда давом этади ва муносабатларга дарс кетади.

Келишмовчиликлар оила аъзолар, иш жойдагилар, жамоат хизматкорлари ўртасида, қо-

лаверса одамлар биргаликда фаолият күрсата-ётган бошқа ҳар қандай жойда юзага келиши мүмкин. Агар биз, ўзимизга қандай муносабатда бўлишларини истаганимиздек, бошқаларга ҳам шундай муносабат кўрсатсак, ҳаётимиизда келишмовчиликлар камайиб, муносабатларимиз мустаҳкам ва маҳсулдор бўлиб боради.

Олтин қоидага риоя этинг: агар бошқалар сизга нимадир қилишларини истасангиз, сиз улар учун ўша нарсани қилинг. Дўстларга эга бўлишни истасангиз, дўстликсевар бўлинг. Совғалар олишни истасангиз, бошқаларга совғалар улашинг. Сизга далда беришларини истасангиз, сиз бошқаларга далда беринг. Сиз учун ибодат қилишларини хоҳласангиз, ўзингиз бошқалар учун ибодат қилинг. Далда бериш, ибодат, дўстлашиб, совғалар – бу арзимаган нарсалар, деб ҳисоблайсизми? Бироқ аксарият ҳолларда, муносабатлар арзимаган нарсалар устида бузилади. Шу билан бирга, мана шу арзимаган нарсалар, муносабатларни мустаҳкамлаши ҳам мүмкин. Одамларга, сизга қандай кўз билан қарашларини истасангиз, ўзингиз ҳам уларга шундай кўз билан қаранг – арзимаган нарса бўладими ёки жиддий нарса бўладими, бунинг аҳамияти йўқ. Мана, бу севги йўли ҳисобланади.

Ота Худованд Исо Масиҳнинг ибодатларини эшитган ва уларга жавоб берган, лекин келинг, Исо Масиҳ аслида, севги йўлидан борганини унутмайлик. Ҳатто хочда, чидаб бўлмас азобларга дуч келган чоғда ҳам, У ёлворди: «Ота, уларнинг гуноҳларини кечир, чунки улар нима қилаёттганларини билмайдилар». У биз учун Ўз ҳаётини қурбон қилди.

### *Қисқа хуносалар*

Ибодатларимизни қучга тўлдиришнинг йўлларидан бири – бу севги йўлидан бориш. Худованд энг аввало, Уни ва одамларни чиндан ҳам севадиган юракларни қадрлайди. Бизнинг Унга бўлган имонимиз севги билан ҳаракатланади. Биз Унга бўлган севгимизни одамларга бўлган севгимиз орқали кўрсатамиз. Севги – бу Худонинг моҳияти. Одамларни қанча қўп севсак, шунча Худога ўхшаш бўлиб борамиз. Агар Унинг йўлларидан борсак ва одамларни У севгандек севсак, У билан муносабатларимиз мустаҳмланади ва теранлашади, ибодатларимиз эса қучга тўлади.

## *Ибодатга оид фойдалы фикрлар*

- Биз учун Худони ва одамларни севиш энг муҳим қоида бўлиши керак.
- Имон севги билан ҳаракатланади.
- Биринчи Коринфликларга ўн учинчи бобда севгининг қандайлиги тушунтирилган.
- Севги одамларга биздан фойдаланишига ёки бизнинг яхшилигимизни суюистеъмол қилишига йўл қўйишни назарда тутмайди ва ўзлари учун гамхўрлик қила оладиган кишилар учун маъсулият олишини талаб этмайди.
- Севги моддий нарсаларга боғланмайди. Севги кўрсатишнинг энг яхши йўлларидан бири – бошқаларга ёрдам бериш.
- Севги бегараз ва манманлиқдан ироқ. У ҳар бир кишини қадрлайди.
- Севги йўлидан бориши – одамлар бизларга қандай муносабатда бўлишини истасак, биз ҳам уларга шундай муносабатда бўлишимизни билдиради.
- Севги йўлидан борадиган кишилар, ҳеч қачон таслим бўлмайдилар. Улар охирги нафасларигача севги улашадилар.

## ТАВБА ИБОДАТИ

Худованд сизни севади ва У билан яқин муносабатларга эга бўлишингизни истайди. Сиз ҳали, Исо Масихни Раббим ва Нажоткорим, деб қабул қилмаган бўлсангиз, буни ҳозирнинг ўзида амалга оширишингиз мумкин. У учун юрагингизни очинг ва қуидаги сўзларни айтинг:

«Отажон, Сенинг қаршингда гуноҳкорман. Ўтина-ман, мени кечиргин. Мени поклагин. Сенинг Ўғлинг, Исо Масихга ишонишга ваъда бераман. У мен учун ўлганига: У хочда ўлаётиб, менинг гуноҳларимни Ўзига олганига ишонаман. Уни, ўлимдан тирилганига ишонаман. Ва, ҳозирнинг ўзида, мен ўз ҳаётимни Унга топшираман. Отажон, кечирим ва абадий ҳаёт инъоми учун миннатдорман. Илтимос, Сен учун яшашимга ёрдам бергин. Исо Масих номи билан. Омин».

Агар сиз бутун юрагингиз билан сўраган бўлсангиз, Худо сизни қабул қилди, поклади ва руҳий ўлим кишанларидан озод этди. Қуида келтирилган оятларни ўқинг ва ўрганиб чиқинг. Худодан, сизга уни эшитишга ёрдам беришини сўранг, зеро энди сиз, У билан янги ҳаётни бошлайпсиз.

Юҳанно 3:16

Эфесликларга 1:4

1 Юҳанно 1:9

1 Юҳанно 5:1

1 Коринфликларга 15:3-4

Эфесликларга 2:8:9

1 Юҳанно 4:14-15

1 Юҳанно 5:12-13

Худодан Унинг Каломидаги таълимотларни соғлом тарзда воизлик қиласиган, Масихни яхшироқ таниб-билишда ва руҳий ўсишда ёрдам берадиган яхши жамоатни топишда кўмак сўранг. Худованд доимо сиз билан. У сизни ҳар куни йўналтиради ва сиз учун тайёрлаб қўйилган фаровон ҳаётда яшашни кўрсатади.

## **СИЗНИНГ ХАТЛАРИНГИЗНИ УШБУ МАНЗИЛ БҮЙИЧА КУТАМИЗ:**

Joyce Meyer Ministries  
P.O. Box 655  
Fenton, MO 63026  
USA

(636) 349-0303 [www.joycemeyer.org](http://www.joycemeyer.org)

Joyce Meyer Ministries—Canada  
Lambeth Box 1300  
London, ON N6P 1T5  
Canada  
1-800-727-9673

Joyce Meyer Ministries—Australia  
Locked Bag 77  
Mansfield Delivery Centre  
Queensland 4122  
Australia  
(07) 3349 1200

Joyce Meyer Ministries—England  
P.O. Box 1549  
Windsor SL4 1GT United Kingdom  
01753 831102

**[tv.joycemeyer.org](http://tv.joycemeyer.org) сайтида Жойс Майер  
хизматини бир неча ўнлаб тилларда  
томуша қилишингиз мумкин.**

Ибодат ақл бовар қилмас куч манбаидир. У бизни Худонинг кучи билан боғлашга қодирлиги учун, Борлиқда ҳаракатланаётган бошқа ҳар қандай кучдан юқори туради. У Худога эшикларни очади ва Үнга, ҳаракатланиш ва ҳаётимизни ўзгартириш учун имкон беради. Фақат ибодат Худонинг кўлларини ҳаракатга келтиришга қодир. Ибодат орқали одамлар азоблардан озодлик оладилар, яралантган диллар шифоланади ва мўъжизалар содир бўлади.

Тасаввуримизга сиғмас Худонинг улкан кучи, оддий ибодат шарофати билан намоён бўлиши мумкин. У табиий дунёда яшаётган биз одамларга нотабиий ҳаётда яшашга, имконсиз кўринган муаммоларни уддасидан чиқишига, биздан ҳеч ким қутмаган нарсаларни амалга оширишга, ҳаёт олдимизга қўйган мураккаб масалаларни ечишига, тўсиқларни енгиб ўтишига ёрдам беради.